



Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч!

**Қадрли туркистонликлар!
Азиз Ватан ҳимоячилари!**

Сизларни 7 май – Ватан ҳимоячилари куни билан чин дилдан табриклаймиз!

Халқ қаҳрамони Бауржан Мўмишулининг “Ватанинг учун ўтга кир – ёнмайсан”, деган доно нақли бор.

Ушбу тамойилга амал қилиш бизнинг муқаддас бурчимиздир. 1992 йил 7 майда Қозоғистон Республикасининг Қуролли Кучлари ташкил этилди. Мамлакатимиз саркардалари ва аскарлари Буюк даштиимизни ҳимоя қилиш учун саф тортидилар. Чегараларимиз, юрт тинчлиги ҳимоя қилинмоқда. Бугунги кунда Қозоғистон қудратли армияга эга давлатлар қаторига кирди. Ватан ҳимоячилари кунни ватанпарварлик туйғусини уйғотадиган байрамдир.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Кемелули “Бу – қаҳрамон аجدодлар йўлини, бугунги авлоднинг она ватанга хизмат қилиш анъаналарини бирлаштирган байрам. Ватанни ҳимоя қилиш – муқаддас бурч ва шарафли вазифадир”, деган эди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида Туркистон вилоятидан келган ёшлар кўп бўлиши табиий.

Зеро, Туркистон демографияси юқори минтақа.

Вилоятда ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар жонланиб, жамиятда ҳарбий соҳага қизиқиш ортиб бормоқда.

Қадрли ҳамюртлар!

Барчангизни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаймиз.

Элимизда мард ва ватанпарвар ёшлар кўпайиб, Қозоғистонимиз мангу яшайверсин!

**Нуралхан КЎШЕРОВ,
Туркистон вилояти ҳокими.
Нурали АБИШОВ,
вилоят маслаҳати раиси.**

Оталар жасорати – ёш авлодга ўрнак

Азиз фахрийлар!

Қадрли туркистонликлар!

Сизларни 9 май – Буюк Ғалаба куни билан чин юракдан табриклаймиз!

Бу йил Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги нишонланмоқда. Иккинчи жаҳон урушида қозоқ халқи жасорати билан кўзга тушди. Ватандошларимиз жанг майдонда мардлик кўрсатса, элда қолган юртдошларимиз фронт ортисида тинимай меҳнат қилди. Шундай йўсинда одамзотга катта хавф тўғдирган уруш тўхтатилиб, ғолиблар сафида кўринишди.

Ғалаба куни – қаҳрамонларимизни ёдга олиб, жасоратларини эътироф этадиган кун.

Бу тўғрида Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Кемелули “Қозоғистон одамзотининг умум ғалабасига, ер юзиде адолат ва озошлик тантанаси қилишига беҳисоб ҳисса қўйди”, деган эди.

Шу боис, Улуғ Ватан уруши фахрийларига иззат-иқром кўрсатиш, уларнинг жасоратини ёш авлодга ўрнак қилиш – барчамизнинг умумбурчимиз.

Жорий йил Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги “Қаҳрамонларга таъзим” онлайн портални ишга туширди. Лойиҳанинг мақсади – Буюк Ғалабага бекиёс ҳисса қўшган қозоғистонликларнинг жасоратини келажак авлодга етказиш.

Шу қаҳрамонлар орасида Туркистон вилояти жангчилари ҳам муносиб ўрин олган. Бугунги кунда вилоятимизда Улуғ Ватан урушининг 8 фахрийси истиқомат қилади. Уларга давлат томонидан мунтазам ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Шунингдек, фронтorti меҳнаткашлари, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ва ногиронларига тенглаштирилган 3 мингдан зиёд фахрийларга ҳам ҳурмат кўрсатилмоқда. Қаҳрамонларимизга бир марталик моддий ёрдам учун маблағ ажратилди.

Қадрли ҳамюртлар!

Жорий йил Совет Иттифоқи қаҳрамонлари – Бауржан Мўмишулининг туғилганига – 115 йил, Алия Мўлдағулованинг туғилганига – 100 йил тўлмоқда.

Қўш қаҳрамоннинг мардликка тўла ҳаёти ёш авлод учун ибрат. Биз уларнинг қаҳрамонликларини ҳеч қачон унутмаймиз, ёдимизда мангу сақлаймиз!

Барчангизни Буюк Ғалаба куни билан яна бир бор кўтлаймиз.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!
Муштақил мамлакатимиз мартабаси ошаверсин!

**Нуралхан КЎШЕРОВ,
Туркистон вилояти ҳокими.
Нурали АБИШОВ,
вилоят маслаҳати раиси.**

»» Президент

ВАТАНГА ВА ХАЛҚҚА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ОЛИЙ БУРЧИМИЗ



ПРЕЗИДЕНТ ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ, ОЛИЙ ҲАРБИЙ ВА МАХСУС УНВОНЛАРНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

– Қозоқ – табиатан мард халқ. Қаҳрамон аجدодларимиз биلاقнинг кучи, найзанинг учи билан бепоён заминимизни ҳимоя қилганлар. “Эркак – юрт кўзгуси”, дейдилар. Дарҳақиқат, халқимизнинг қаҳрамонлик анъанаси отадан фарзандига ўтиб келмоқда.

Қозоқ аскари ҳамиша ўз ватанини ҳимоя қила олган. Жорий йил Ғалабага 80 йил тўлмоқда. Одамзод тарихидаги машъум уруш барча давлатлар учун улкан синов бўлгани сўзсиз. Майдонга бир миллион икки юз мингдан зиёд фуқароларимиз отланди. Уларнинг ярми жанг майдонларидан қайтмади. Фронтorti меҳнаткашлари куну тун тер тўқди. Шундай қилиб, халқимиз Буюк Ғалабага бекиёс ҳисса

қўшди. Ғалаба байрами чинакам мардликни намоён этмоқда. Шунингдек, тинч-тотув яшаш, бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг моҳиятини ўқтирди. Ғалаба байрами авлодларга берадиган энг муҳим сабоқдир, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Президент Қозоғистоннинг ҳарбий тузилмалари вакиллари баҳодир ота-боболаримизнинг муносиб ворислари, деб атади.

– Қуролли Кучлар элимизнинг муштақиллиги, тинчлиги ва яхлитлигини кузатиб турибди. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари қонун ва тартиб, махсус хизматлар миллий хавфсизликни таъминлаб келмоқда. Қутқарувчилар элу юртининг тинчлиги учун сидиқдилдан меҳнат қилишмоқда. Ўтган

йили биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликпарварлик миссиясини муштақил амалга оширишга киришдик. Бу қадам халқаро ҳамжамиятнинг Қозоғистон армиясига ишончи юксаклигини кўрсатади. Биз – тинч мамлакатимиз. Барча давлатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатдик. Биз барча баҳсли масалаларни сиёсий мулоқот орқали ҳал қилиниши керак, деб ҳисоблаймиз. Мен бу Қозоғистоннинг бузилмас йўналиши эканлигини ҳамиша айтиб келганман. Бироқ, қўл қовуштириб ўтиришга бўлмайди. Армиямиз ҳар қандай вақтда ўз олдига қўйилган вазифани бажаришга шай бўлиши керак. Юрт хавфсизлиги ва чегараларни қўриқлаш, қонун ус-

туворлигини таъминлаш – масъулиятли ва муқаддас бурчдир. Бу ишни юксак касбий маҳоратга эга, ўз қасамёди ва бурчига содиқ, Ватан учун фидойи мард инсонларига қила олади. Шунинг учун ҳам ҳарбий хизматчилар, қутқарувчилар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёш авлод ва барча халқимиз Ватанга садоқат билан хизмат қилишнинг намунаси бўлиши керак, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Тадбир сўнггида Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев ҳарбий хизматчилар, қутқарувчилар ва ҳарбий тузилма ходимларига муваффақият тилади.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ НИШОНЛАНДИ



Туркистон шаҳрида 7 май – Ватан ҳимоячилари куни нишонланди. ҚР ИИБ “Миллий гвардия”нинг 5574-сонли ҳарбий бўлимида ўтган ватанпарварлик тадбирида вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертэй Алтаев, вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов ҳамда вилоят полиция департаменти раҳбари Мурат Қабденов иштирок этиб, ҳарбийларни Ватан ҳимоячилари ҳамда Ғалабанинг 80 йиллиги билан қутлади.

Тантананда ҳарбий соҳа вакилларига мукофотлар топширилиб, эҳтиром кўрсатилди.

Маънавият ва ватанпарварлик тарғиб этилган шодиёнада “Миллий гвардия” бўлими аскарларининг ҳарбий намоиши ўтказилди. Шунингдек, ҳарбий техникалар кўргазмаси намоиш этилиб, ватанпарварлик қўшиқлари қуйланди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили вилоятдан 5 мингга яқин ўғлон ҳарбий хизматга жўнатишган. Жорий йилда ҳам шунча йигит Қуролли кучлар сафини тўлдирishi кутилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Маънавиятнинг муаззам майдони

Мамлакатимиздаги барча матбуот нашрлари қатори “Жанубий Қозоғистон” газетасига ҳам 2025 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бошланди.

Обуна ишларининг уюшқоқли ташкил этилиши газетанинг келгусида тўлақонли фаолият юртишига имкон беради. Демак, ҳар бир газетхон суюкли нашрига обуна бўлиш баробарида уни қўллаб-қувватлаган, эртанги кунига муштақам пойдевор яратган, давлат миқёсида амалга оши-

рилаётган ислохотлар ва уларнинг жойлардаги ижроси мазмун-моҳиятидан тўлароқ хабардор ҳамда муҳим воқеаларга хайрихоҳ эканлигини амалда намоиш этган бўлади.

Шунга эришиш керакки, газетамиз вилоятдаги ҳар бир меҳнат жамоаси, таълим ва ҳунар маскани, нашр ишавандалари хонадонларига етиб борсин.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетасига обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

2025 йилнинг иккинчи ярми учун “Жанубий Қозоғистон” газетасининг обуна баҳоси ўзгармади: 6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ХЖ орқали – 3415,50 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

Алишер СОТВОЛДИЕВ:

СИЁСИЙ ҚАРОРЛАРНИНГ ҲАМ,
МАФКУРАНИНГ ҲАМ АСОСИ — БИРЛИК

Қозоғистон мустақил бўлгунга қадар ҳам, турли миллатларни бағрига олган мамлакат сифатида танилган эди. Мустақилликка эришилгач, бирдамлиги ва тотувлиги мустаҳкам давлат сифатида танилди. Ана шу мақсад ва манфаатлар юкини зиммасига олиб, элнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш мақсадида Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилган эди. Жорий йил ушбу воқеага 30 йил тўлмоқда. Элдаги тинчлик ва тотувлиқни, ушбу йўналишдаги қабул қилинаётган қонунлар ва ташаббуслар, Парламент фаолияти, шунингдек, Қозоғистон халқи Ассамблеясининг ўрни каби мавзуларни ҳар томонлама муҳофиза қилиш мақсадида Сенат депутаты Алишер Сотволдиев билан суҳбатлашдик.



— Иттифоқ даврида 1 Май — бошқа байрам сифатида нишонланган. Ушбу санага янгича маъно-моҳият берилиб, собиқ нуқтаи назаримизни бартараф қила олдикми?

— 1 Май Қозоғистонда 1996 йилдан эътиборан, Қозоғистон халқининг Бирлиги куни сифатида, расмий равишда нишонланиб келинмоқда. Дарҳақиқат, бунгача ушбу байрам собиқ Совет Иттифоқи даврида меҳнаткашлар байрами сифатида нишонланарди. Вақт ўзгарди, мазмун-моҳият янгиланди. Элимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб, ушбу байрамга ҳам янги шакл берилиб, кўпмиллатли Қозоғистон халқининг бирдамлик кунига айланди. Бугунги кунда 1 Май — элимиздаги тинчлик ва тотувлиқнинг ёрқин тимсоли. Миллат ва элатларни бирлаштириб, Қозоғистон халқининг ягона мақсад, ягона келажак сари юз бурганини намоён этувчи алоҳида сана.

Халқимизда “Тотувлик йўқ жойда, иш олға босмайди”, деган ибратли нақл бор. Ушбу бирликка асосланган яхлитлик — элимиздаги ҳар бир муваффақият, барқарорлик, тараққиёт ва юксалишнинг асоси. Ҳақиқатан, Мустақил Қозоғистон эришган барча муваффақиятлар — эл ичидаги ҳамжиҳатлик ва барқарорлик, тотувлик ва бирдамликнинг нёъмати.

— Ҳар бир тизимли ишда, ўзингиз таъкидлаган барқарорлик туфайли мустаҳкам ҳуқуқий асос шаклланади. Этнослараро тотувлиқни асраш, уни янада ривожлантиришга имкон берадиган қандай қонуний ташаббуслар йўлга қўйилмоқда? Парламентда кўрилаётган ҳужжатларга тўхталсангиз.

— 2018 йил 5 майда Президент Фармони билан ўзаро тенглик ва бирлиқни мустаҳкамлаш концепцияси тасдиқланди. Ушбу ҳужжат жамиятдаги тотувлик ва уйғунлиқни таъминлашнинг муҳим қуроли сифатида қабул қилинди. Парламент ҳамиша бу борада изчил иш олиб боради. Этнослараро тотувлик, умуммиллий бирлик, замонавий хавф-хатарлар ва имкониятлар, дунёвий қараёнлар шароитида жамиятни бирлаштириш масаласи ҳеч қачон кун тартибидан тушмаган. Бу борада Қозоғистон халқи Ассамблеясининг ўрни жуда муҳим. Конституцияга киритилган кўплаб ўзгартиришлар, қонун ҳужжатларига киритилган қўшимчалар, Президентимиз ташаббуслари — барчасининг замирида ана шу ғоя, юрт тинчлиги мужассам. Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 2026 йилгача тараққиёт концепцияси бунинг далилидир. Бу ҳужжат ҳар беш йилда янгиланиб, унинг ҳар бир даври Парламентда муҳофиза қилиниб, тасдиқланади. Бирлик — сиёсий қарорларнинг ҳам, мафкуранинг ҳам асосига айланиши керак. Бугунги кунда жамиятимизда турли масалалар кўтарилиши мумкин. Масалан, қўшилган қиймат солиғи бўйича мунозаралар давом этмоқда. Бироқ, бу масалага нафақат солиқ сиёсати ёки иқтисодиёт, балки элимиздаги бирлик қирралари орқали ҳам қарашимиз керак. Қиска муддатда фойда келтирадиган қарорлар узоқ муддатда ижобий натижа бермаслиги мумкин. Шу боис, ҳар бир қонун лойиҳасини қабул қилишда унинг мамлакат ичидаги барқарорликка ва халқнинг тотувлигига қандай таъсир кўрсатиши инобатга олиниши зарур.

Қозоғистон бугунги кунга қадар қандай ютуқларга эришган бўлса, у иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳада бўлсин, уларнинг замирида мустаҳкам пойдевор, йўлчи юлдузимиз — барқарорлик устувор. Халқнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва тотувлиги устувор. Жаҳондаги кескин вазиятни барчамиз кузатыпмиз. Шундай бир пайтда бизни фақат бирдамлик ва барқарорлик ўз мақсадимиз сари етаклайди. Бироқ, ички сиёсатимиз, мафкураимизнинг концепцияси аниқ бўлиши керак. Буни Президент ҳам қайд этди. Биз ўзимизни ким деб биламиз? Тарихга назар ташласак, Қозоқ хонлиқлари, Алаш Ҳўрдаси, Сақлар ва Туркий хонлиги, биллар ва хонлар даври — буларнинг барчаси бизнинг ягона та-

рихий қадриятларимиз. Биз ушбу ворисдошлиқни аниқ англаб, унинг асосида миллий ўзлгимизни шакллантиришимиз керак. Келажакда — юз, икки юз, беш юз йилдан кейин — бизнинг авлодимиз ким бўлади? Қайси йўналишни танлайди? Барчаси бугунги қарорларга боғлиқ. Шу боис, бизга беш йиллик эмас, узоқ муддатли, мажмуавий концепция даркор. Бизга миллий мафкура доктринаси керак. Бугунги таҳлил ва тадқиқот ишлари ушбу йўналишда олиб борилмоқда. Энг муҳими, бу ҳужжат қозғозда қолиб кетмай, аниқ ҳаракатга йўналтирилиши лозим. Кучли мафкурaviй йўналиши бўлмаса, мамлакат бирлиги барқарор бўлмайди. Буни унутмаслигимиз керак.

— Суҳбатимизни Сенатдаги фаолиятингизга қаратсак. Сиз Ўзбекистон билан дўстлик бўйича депутатлик гуруҳининг аъзосисиз. Яқинда икки давлат Президентлари учрашиди ва таҳлилчилар улар ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётганини таъкидлашмоқда. Сизнингча, бу ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш учун қандай аниқ йўналиш ва соҳалар мавжуд?

— Икки давлат учун тарихий аҳамиятга молик ҳужжатлардан бири — 1998 йилда имзоланган “Абадий дўстлик тўғрисида”ги шартномадир. Бундан ташқари, стратегик шериклик тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. Бугун биз муносабатларимизни янги босқичга кўтармоқдамиз. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди. Давлат чегарасини демаркация қилиш ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Кенг қамровли қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу — амалий ишларнинг инъикосидир. Шунингдек, фақат маълум бир йўналишда, маълум бир соҳалардагина муносабатларни ривожлантиришимиз керак, деб айта олмаймиз. Қозоқ ва ўзбек — қадимдан қондош халқлар. Тарихи — бир илдизли, тақдир — туташ. Шу боис, бизнинг мақсадларимиз ҳам умумий. Биз яхши қўшничлик ва ишончли ҳамкорликка асосланган муносабатни янада мустаҳкамлаймиз.

Январь ойида Шимкент шаҳрида парламентлараро дўстлик комиссиясининг мажлиси ўтди. Унда бир қанча муҳим масалалар кўтарилди. Шахсан мен Сенатдаги Парламентлараро ҳамжиҳатлик комиссиясида Ўзбекистон билан чегарада кооперация маркази ташкил этиш ташаббуси билан чиқдим. Ана шу қонун лойиҳасини ратификациялаш тadbирини ҳам ўзим олиб бордим. Бу — оддий қонун эмас. Бу — аниқ қўшма иқтисодий минтақанинг қурилишга йўл очадиган имконият. У ерда икки мамлакатнинг сармоядорлари заводлар барпо этиб, фабрикалар очиб, янги корхоналарни ишга қўйиш имкониятига эга бўладилар. Биз уларга қонун ва инфратузилма томонидан шароитлар яратамиз, қолганини тadbиркорлар ўзлари амалга оширади. Бу ерда халққа ҳам, бизнесга ҳам йўл очилади.

Шунингдек, биз икки томонлама сайёҳликни ҳам ривожлантиришимиз керак. Самарқанд, Бухоро, Тошкент ёки Қирғизистон Республикасидаги тарихий масканларга келган сайёҳлар ва меҳмонлар мамлакатимиз орқали ўтиши керак. Бизга келган одамлар у томонда сафарини давом эттириши керак. Мана, ушбу соҳада ҳам ишимизни жонлантиришимиз лозим. Мен муҳим деб ҳисоблаган яна бир масала — икки мамлакат зиялилари ўртасида деярли муносабатлар йўқ. Қирғиз эли билан бизда қозоқ-қирғиз зиялиларининг анжумани йил сайин ўтади. Жорий йил 14-мартга ўтди. Ўзбекистон билан ўртада бундай майдон йўқ. Ушбу йўналишда аниқ тақлифлар ишланмоқда. Чунки, қардош мамлакатлар билан муносабатлар нафақат сиёсий, балки маънавий алоқа, маданий ҳамкорликка ҳам тигиз боғлиқ. Бундан ютамыз, ютилмаймиз.

— Суҳбат учун раҳмат.

Дилда УАЛИБЕК.
“Туркiстан” газетаси.

БАРЧАМИЗ УЧУН МУШТАРАК
МАСЪУЛИЯТ ВА ЮКСАК ИШОНЧ

24 апрелда пойтахтда Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилганига 30 йил тўлиши муносабатига бағишланган тантанали тadbирда иштирок этдим ва олам-олам таассуротлар билан қайтдим. Ҳақиқатан ҳам тарихий аҳамиятга эга тadbир бўлди. Шубҳасиз, Давлатимиз раҳбарининг бевосита иштироки, унинг нуфузига нуфуз қўшди.

Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг маърузаси мамлакатимиз ҳаётида Ассамблея роли нақадар аҳамиятга эга эканини яна бир қарра ҳис қилишимизга, теран идрок этишимизга ундади.

— Ассамблея тарихи мустақил Қозоғистон солномасининг ажралмас қисмидир. Шунингдек, таутиш керакки, Ассамблея 1995 йилда Қозоғистоннинг биринчи Президенти Нурсултан Назарбаев ташаббуси билан ташкил этилган. Ушбу ташаббус қозоқ давлатчилиги шаклланишининг оғир шароитларида чуқур сиёсий маънога эга эди. Дастлаб маслаҳат органи сифатида ташкил этилган ҚХА 2007 йилда алоҳида конституциявий мақомга эга бўлди. Ва том маънода, Ассамблея миллий тотувлик ва бирликнинг асосий моделига айланди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли Ассамблея фаолияти янгича ижодий тус олди. Сенатнинг беш нафар аъзоси Ассамблея Кенгаши тавсиясига кўра, Президент томонидан тайинланди. Бу қадам барча этник гуруҳлар манфаатларини қонунчилик даражасида ҳимоя қилиш имкониятларини сезиларли даражада оширди. Бундан ташқари, Қозоғистон парламентаризми тарихида илк бор “Ягона давлат — ягона манфаат” деб номланган палаталараро депутатлар гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ ижтимоий тотувлиқни мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланади. Эндиликда барча давлат идоралари Ассамблея фаолиятида иштирок этмоқда. Вазирликлар, вилоятлар ҳокимликлари ва барча даражадаги маслаҳатлардан тортиб қишлоқлар ҳокимликларигача ҳеч ким четда қолмади, — деди Президент.

Дарвоқе, бугунги кунда Миллий қурултойнинг 12 аъзоси Ассамблея вакиллари. ҚХА Котибияти эса Президент Маъмуриятининг мустақил тузилмаси ҳисобланади. Қолаверса, Оқоқоллар ва Оналар кенгашлари оила қадриятларини мустаҳкамлашда беқиёс ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳа, агар ният яхши, ният улўғ бўлса, битмайдиган иш йўқ, деб бежиз айтилмаган. Сессиядан уқанам, Ассамблея вакилларининг саъй-ҳаракатлари билан юртимизда тинчлик-ҳотиржамлик, бирлик, дўстлик, яхлитлик бор.

Камина ижод ва ахборот дунёсининг бир вакили сифатида бугунги кунда ҚХАнинг этномедияция ва этножурналистика соҳасидаги фаолиятига қизиқади. Сўнгги йилларда бу тармоқлар ҳам янги қиёфага эга бўлиб, янги босқичга кўтарилгани рост. Президент ўз маърузасида ахборот маконида бирлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини янада кенгроқ тарғиб қилишга алоҳида тўхталди. Бу Ассамблеянинг барча тузилмалари, айниқса, журналистлар клубларининг асосий вазифасидир, деб таъкидлади. Мутасадди вазирлик ва вилоят ҳокимлари Ассамблея хузуридаги журналистлар клубларига етакчи оммавий ахборот воситалари вакилларини киритишлари ва улар ишларининг ягона алгоритмини таъминлаш вазифасини топширди. Ўзга тилларда чоп этилаётган матбуотни тизимли қўллаб-қувватлаш зарурлигини эслатди.

Берилган топшириқларда маданият ва санъат қадриятларини асраб-авайлаш ғоялари ҳам бор. Жумладан, Александр Пушкин, Тарас Шевченко, Федор Достоевский, Михаил Шолохов номидаги музейларга эътиборни қучайтириш ва уларнинг нуфузини ошириш учун шароитлар яратишни тайинлади. Шу жумладан, театрлар фаолиятига ҳам тўхталди. Бугунги кунда юртимизда 9та рус драма театри, 4та миллий — уйғур, корейс, ўзбек, немис театрлари фаолият қоритмоқда. Ассамблеянинг 30 йиллиги муносабати билан Алматы шаҳрида театрлар фестивали ўтказишни тақлиф қилди.

Ҳа, бундай тadbирлар халқимиз учун ғоятда зарур деб ҳисоблайман. Шу баҳона кино-театр намояндалари янгидан-янги сахна кўринишларини кашф этадилар. Ижодий кайфият, маънавий озқу бахш этади.

Дарвоқе, сессияда нутқ сўзлаган журналист Алла Гавринанинг фикрларини Президент қўллаб-қувватлади ва шундай деди:

— Бошқа журналистлар номидан у жуда яхши тақлиф ва ғоялар билан чиқди, деб ўйлайман. Бугунги кунда битирувчиларнинг қарийб 80 фоизи ягона Миллий тест синовларини расмий тилда топширмоқда. Биринчи синф ўқувчиларининг 70 фоиздан ортиги бу йил қозоқ тилида ўқишни бошлайди. Ўз-ўзидан маълумки, Қозоғистонда ҳеч ким одамларга шахсий мулоқотда ва омма олдида чиқиш пайтида қандай тилда гапиришни мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас. Жамиятимизда низолар келтириб чиқариш ва мамлакат ичидаги вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган ушбу мавзу бўйича барча фитналар қонун бўйича тақиқланади ва жазоланади. Фитначилар ҳақида гапирганда, мен нафақат “уйда ўсганларни”, балки хорижликларнинг буюртмачиси асосида, хорижий ташкилотларнинг пуллари билан бузгунчи фаолият билан шуғулланадиганларни ҳам назарда тутяпман.

Ўтган йили Миллий қурултой йиғилишида асосий қадриятларимиз — бирлик, ватан-



парварлик, мустақиллик ва тотувлик ҳақида баён қилдим. Ҳаммаси шундан бошланади. Сизни яна қайта огоҳлантирмоқчиман: жамиятни ажратиб, бўлиниш учун ишлайдиганлар қонун даражасида жавобгарликка тортилади ва қатъий жазоланади. Бирлик ва ҳамжиҳатлик учун саъй-ҳаракат қилаётган фуқаролар эса доимо эъзоз ва ҳурмат топади.

Биз шуни очик тан олишимиз керакки, ўзини сўз эркинлиги бўйича етакчи сифатида намоён этаётган гўёки инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланаётган айрим ташкилотлар, блогерлар ва журналистлар ҳамма жойда ва ҳар бир нарсда Қозоғистондан салбий сиёсий жиҳатлар излашмоқда ва аслида, улар фақат фитналар уюштиришмоқда.

Бу чет элларга кетган ва у ердан халқимизга ҳақи тўлаб қўйилган ҳужумлар уюштираётган, ҳатто давлат идораларимизни шантаж қилишга уринаётган Қозоғистоннинг собиқ фуқароларига ҳам тегишли.

Бугунги кунда улар шунчаки ўзларига ажратилган хориж пулларини ўзлаштириш билан шуғулланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бир сўз билан айтганда, демократия — хориж пуллари ҳисобиға. Шу ерда шуни аниқ тушуни керакки, ҳеч ким хорижда мамлакатимиз фаровонлиги ҳақида қайғурмайди, ҳеч кимга биздаги демократияни ривожлантириш ҳам керак эмас.

Президентимизнинг ушбу фикрларини соҳа вакили сифатида жон қўлогим билан тингладим. Дарҳақиқат, биздаги тинч турмуш тарзини, дунёқарашларимиз, меъзоларни ўзгартириб, юрт обрўсини тўкиш орқали ўзларининг жирканч ниятларини амалга оширишга уринаётган шахслар исталганча топилгати. Агар уларга чет элдан катта маблағ берилмаса, қизгин фаолият юрита олмас эдилар. Давлат буюртмаси асосида фаолият юритаётган ҳеч бир нашр ёки телеканал мамлакатимиз ўртасида тарқоқлик юзга келишини, бирдамлик йўқолиб, миллатлараро зиддиятлар, низолар пайдо бўлишини истамайди. 30 йилдан кўп юрт тинчлиги ва тотувлиги йўлида бажарилган ва амалга оширилаётган шунча ишларни бўлишини истамайди. Халқро майдондаги обрўйимизни ҳеч вақт тўкмайди. Аксинча, фидойиларча меҳнати билан эл-юрт ҳурмати ни оширишга ҳаракат қилади. Президент бежиз бу асосларга тўхталмади, бекорга фитначиларни кескин қораламади.

Шу юрт, шу заминнинг фарзанди ҳисобланган ҳар бир киши қалбида шундай туйғу бўлишини жуда-жуда истардим. Ўғини, бу ғоя ғоят аҳамиятли. Биз, ижтимоий фаолиятда тер тўкаётган меҳнаткашлар, доим шунга эътибор берайлик, пул берган қўлга қараб, Ватанимиз юзига қора чаппамайлик.

Шу ерда яна Президентнинг сўзларидан илова келтиргим келади: “Биз Қозоғистонда ҳеч қандай муаммо йўқ, деб айтмаяпмиз. Албатта, улар бошқа мамлакатларда бўлгани каби бизда ҳам мавжуд, ammo биз уларни бошқа бировларнинг дарсликлари ёки ҳал қилиш йўллари билан эмас, балки қонунчилигимиз ва миллий манфаатларимизга мувофиқ ҳал қиламиз”.

Сессияда бир-бирдан қизикарли чиқишлар бўлди. Ахмет Мурадос (“Вайнах” чеченлар ва ингушлар уюшмаси раҳбари), Назипа Шанай (Республика Оналар кенгаши раисаси), Александр Пап (“Келет” ҲХД директорлар кенгаши раиси, венгер маданият маркази раисининг ўринбосари), Алишер Сатвалдиев (Парламент Сенати депутати, ҚХА Журналистлар клуби раиси) ва бошқаларнинг маърузаларидан унумли фойдаланса бўлади, деб ҳисоблайман.

Серкирра депутат Алишер Сотволдиевнинг фикрлари билан мақоламини тугатсам: “Биз, турли этник гуруҳлар вакиллари, Қозоғистонда туғилиб-ўсган авлод, ўзимизни Қозоғистоннинг тўлақонли фуқароси сифатида ҳис қиламиз. Бу бизнинг Ватанимиз, деб фахр билан айта оламиз! Биз миллий урф-одатларимиз, тарихимиз ва маданиятимизни унутмаймиз, ўз эътиқодимизни эркин эътироф этамиз, фарзандларимиз яқинба мақтабларида давлат ва миллий тилларини ўрганмоқдалар, турли соҳаларда ишлаймиз. Буларнинг барчаси мамлакатимизда яратилган ягона бирлик ва ҳамдўстлик институти — барча этник гуруҳларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат даражасида бирлаштирган Қозоғистон халқи Ассамблеяси туфайли мумкин бўлди.

Сессияда қайд этилган вазифалар — барчамиз учун муштарак масъулият ва юксак ишонч. Эл қорига камарбаста бўлишдан зиёд саодат йўқдир.

Раимжон АЛИБОВЕВ,
“Жанубий Қозоғистон” вилоят
ижтимоий-сиёсий газетаси
бош муҳаррири.

ХАЛҚ НОИБИНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Маълумки, маслаҳатлар мамлакат олдида турган иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни бажаришда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда халқ депутатлари фаол иш олиб бормоқда. Улардан бири Туркистон вилояти депутати Қайрат Салибек анча хайрли ишларни бажариб, ўз ҳисобидан ҳам ёрдамини аямай, кўпчиликка ибрат бўлиб келатган фуқаролардан бири.

Қайрат Келесули депутат сифатида ўзи сайланган Саригоч вилоятини ривожлантириш учун маблағ ажратишда фаоллик кўрсатиб, муҳим ишларни бажармоқда.

Хусусан, Саригоч тумани, Жибек жўли қишлоғининг 15 қақиримини ўз маблағи ҳисобидан газ ва тоза ичимли сув билан таъминлади. Шу қишлоқнинг “Жаңа турмыс” аҳоли манзилининг 4 қақиримига ўз маблағи ҳисобидан сув қувурини тортиб берди. Кам таъминланган 5 оилага ер участкаси олиб, уй қуришда тўлиқ ёрдам берди.

У қишлоқ аҳоли манзилларини ободонлаштиришга хисса қўшиб, Келес тумани, Ушақти, Жидели қишлоқларига кўприк қурдирди. 8та аҳоли манзилига интернет тармоғини урнатган.



Бундан ташқари, халқ ноиби аҳоли билан мунтазам учрашиб, қабуллар ўтказиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишда фаол иш олиб бормоқда.

Туркистон вилоят маслаҳати.

>>> Обуначиларимиз орасида

АМИР ТЕМИР НОМЛИ МАКТАБ 60 ЁШДА

Туркистон шаҳридаги Гулназ Мамбетова раҳбарлик қилаётган Амир Темир номли мактаб 60 йиллиги доирасида қатор тадбирлар ташкил этилди. Мактабнинг биринчи директори, давлат ва жамоат арбоби Абилбек Бейсенули Тўбағабиллов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган зал, мактаб тарихи музейи ҳамда Афғон урушида қазо топган Абдулҳаким Эргашев номидаги бошланғич ҳарбий тайёргарлик кабинети (устоз Зокир Абдураимов сазй-ҳаракатлари билан) тантанали очилди.



Ушбу тантаналарда Ўзбекистон Республикасининг Алмати шаҳридаги бош консуллиги биринчи котиби Абдужамид Дўсимов, Туркистон вилояти Афғон уруши фахрийлари кенгаши раиси Турғанбек Аширули, Туркистон шаҳри таълим бўлими раҳбари Бахтжан Тўлимбет, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шу-

нингдек, фахрий аскар А. Эргашевнинг онаси Мукаррам ая, А. Бейсенулининг фарзанди Дариға Абилбекқизи, мактаб устозлари ва нафақа ёшидаги фахрийлар иштирок этди.

Турли йилларда ушбу ўқув даргоҳига Абилбек Тўбағабиллов (1964), Тамара Умарова (1964-1974), Зина Алағўзова



(1974-1977), Дилбар Болтабоева (1977-1983), Йўлдош Юсупов (1983-1993), Азимжон Ҳожимуродов (1993-1996), Зулфия Ибрагимова (1996-2003), Рўзбой Юсупов (2003-2023)лар раҳбарлик қилишган.

1993 йили директор Азимжон Тўхтамурод ўғли сазй-ҳаракатлари билан мактабга Амир Темир номи берилган.

Фаол устозларга таълим бўлими ва жамоат ташкилотлари “Фахрий ёрлик”-лари тақдим этилди. Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Райимжон Қўчқоров мактаб кутубхонасига китоблар ва овоз кучайтиргич жиҳозларини совға қилди.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасининг келгуси ярим йиллик обунасида мактабимиз жамоаси фаол иштирок этади.

Наргиза ЗОКИР қизи,
мактаб кутубхоначиси.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Ш. МАДАЛИЕВ суратга олган.

САВРОН ТУМАНИ МАРКАЗИДАГИ МАКТАБЛАРДА

Икки йил аввал давлат бюджет ҳисобидан бунёд этилган 2-сонли умумтаълим мактаби директори Сержан Успанули ҳамда обунани ташкил этаётган ҳимматли устоз Дилфуза Файзиметова билан келаси йили 35 ёшга тўладиган “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасининг мавқеи, аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик. Директор келгуси режалар ҳақида маълумотларни баён этди.



Собиқ Шўрнақ ҳозирги Ахмет Байтурсинули номли умумтаълим мактаби директори Алия Алдиярова ҳамда ўринбосари Насиба Алхонова билан суҳбатимиз мак-

табда ўтган нуфузли тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти хусусида бўлди.

Ҳар иккала мактаб жамоалари келаси ярим йилликда обунани аввалиги кўрсаткич асосида давом эттирадиган бўлди. Обунани ташкил этишда фаолларга тахририят номидан ташаккурнома тақдим этилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: 2-сонли умумтаълим мактабида; А. Байтурсинули номли мактабда;

Муаллиф тасвирлари.

Бирлигимиз – хилма-хилликда



Сўзоқ тумани ҳокимлиги мажлислар залида – “Бирлигимиз – хилма-хилликда” мавзуида давра суҳбати ўтди.



Туман оқсоқоллар кенгаши раиси Берик Турғанбаев, қишлоқ оқсоқоллар кенгаши аъзолари билан этносийёсат соҳаси мутахассислари иштирок этган тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари Алтин Ешанқулова фаолларни байрам билан муборакбод этди. Ички сиёсат бўлими бош мутахассиси Жандўс Наркўзиули маърузасида жамиятдаги тотувлик ва бирлик ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

ҚАДРИЯТЛАРИНИ ҚАДРЛАГАН ЭЛМИЗ



Тулкибош тумани Озодлик қишлоғи аҳолиси “Тоza Қозоғистон” республика акцияси доирасида марҳумлар хотирасига бағишлаб “Барот бобо” қабристонинда ободонлаштириш ишларини ўтказди. Икки кун мобайнида давом этган тозалик ишларида деярли бутун туман аҳли иштирок этди, шу ерда таваллуд топган ҳамда боболари мазкур заминга дафн этилган, давлатимизнинг турли минтақаларида истикомат қилаётган тулкибошликлар дийдорлашишди. Бир неча ўн йилликлар давомида анъанага айланган ушбу тадбирда айнан ёшларнинг мазкур руҳдаги тадбирларни ўтказишдаги ташаббускорлиги барчага намуна.

Қишлоғимиз зиёлилари, ҳокимлик, туман ЎЭМБ қошдаги оқсоқоллар кенгаши, туманимиз зиёлилари, қарийб 1500 нафар киши иштирок этган Хотира кунинда шанбалик тадбирини ўтказдик. Қабристон ҳудуди чиқиндилардан тозаланиб, махсус жойга чиқарилди. Қабристон ҳудудида 100 тул арча ўтқазилди. Ободонлаштириш ишлари поёнига етгач, 100 кило ош дамланиб, эҳсон дастурхони ёзилди ҳамда кам таъминлан-

ган ва ногиронлар хонадонларига етказиб берилди. Туман оқсоқоллар кенгаши раиси Қалаубек Анашев, туман ҳокими муовини Ерғали Урманов ҳамда Озодлик қишлоғи ҳокими Нуржан Нишанбай, қишлоқ имоми Миробид Фузайлов, қишлоқ фаоллари, оқсоқоллар “Тоza Қозоғистон” дастури доирасида ўтказиляётган тадбирга бош-қош бўлишди. Қабристон ҳудуди тозалангач, тадбирда иштирок этаётган ёшлар оиласи, фарзандлари



билан бирга маҳалладаги ариқлар, кўчаларни тозалашди. Туман ЎЭМБ оқсоқоллар кенгаши раиси Қобилжон Турсунбоев, фаолимиз Расул Аноровдан миннатдормиз.

– Туманимиз аҳолиси бир ёқадан бош чиқариб, ҳар қандай тадбир ташаббусини зиммасига олиб, хайрли ва савоб ишларни амалга оширишга доим шай ва биз улар билан фахрланамиз, – дейди Тулкибош туман ЎЭМБ раиси Ж. Аноров. – Бугунги тадбиримизда Алмати, Тароз, Тошкент ҳамда юртимизнинг бошқа минтақаларидан келиб, боболарини биз билан биргаликда ёд этаётган ҳамюртларимиз ҳам Давлат раҳбаримизнинг ташаббуси билан бошлаган “Тоza Қозоғистон” акцияси доирасидаги маросимда фаол иштирок этишяётганидан мамнунмиз. Мазкур қишлоқ қабристонига

маъмурчилик қилаётган Аҳмад Шукуралиевга ҳам катта раҳмат.

Қишлоғимизнинг кекса авлод вакиллари асос солган анъаналар ва қадриятлар бебаҳо. Амалга ошираётган эзгу ишлари ҳам халқимизга намуна. Элнинг дуосини олиш иилинжида ҳолис ёрдам бераётган ҳамюртларимизнинг шижоати, қалбидagi муруввати савоб ишларида ўз аксини топмоқда. Авлодлари онгига шундай бетақдор инсоний қадриятлар – кекса авлодга ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бирлик ва бирдамлиқни сингдирган ва ёшларни ўша руҳда вояга етказган марҳумларимизнинг охирати обод бўлсин.

Мирсобир МИРАЗИЗОВ,
Тулкибош туман ҳокимлиги қошидаги оқсоқоллар кенгаши аъзоси.

>>> Миртемир Турсунов таваллудининг 115 йиллигига

МИРТЕМИР – МАНГУЛИККА ДОҲИЛ АДИБ

Миртемирнинг исми ўша давр мафкурасига муро-са тарзида Амир Темирнинг ихчамлаштирилган шаклида олинганлиги тарихдан маълум. Зеро, Совет Иттифоқи даврида Амир Темир салбий шахс сифатида қораланган.

Адиб Миртемир Турсунов ўзбек тилида маҳоратли ижод баробарида қирғиз халқининг “Манас” эпоси, “Йўлбарс терисини ёпинган баҳодир” достони, туркман адиби Махтумқули, рус поэзияси даргалари Пушкин, Некрасов ҳамда қозоқ, қорақалпоқ, Кавказ, Болтиқбўйи шоирларнинг асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган.

Миртемир 1958 йили Москвада ўтган ўзбек санъати ва адабиёти декадаси арафасида шоир Жуманиёз Шарилов таржимасидаги кўламдор танланган асарларга муҳаррирлик қилганининг ўзи маънавий жасорат.

Туркистонда Миртемир Турсунов таваллудининг 100 ва 105 йиллигига бағишланган халқаро тадбирларда фаол иштирок этиб, теран таассурот олганман. Ташкилотчиларга раҳмат.

Инсон ёши улғайган сайин ҳаётида ўзи кўрган, бошдан кечирган ибратли, ёш авлод учун маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга воқеаларни ҳикоя қилишга ўзида мойиллик сезар экан.

Мен ҳурматли ҳамқишлоғим, сеvimли шоир Миртемир Турсунов билан ҳаётимда уч марта учрашиб, суҳбатлашиш имконига эга бўлганман. Миртемирнинг самимийлиги, камтарлиги, одамийлиги, дилкашлиги, теран фаросати суҳбатдошига ҳузур бағишлайди.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси саҳифаларида турли ёш ва савиядаги шоирларнинг ижоди билан доимий равишда танишиб бораман. Ўз навбатида замондошларимиз Оди́л Ёқубов, Носир Фозилов, Эрнар Рўзиматов, Долимжон Сайфуллаев



каби элда эъзозли, сермахсул ижодкорларнинг изидан борадиган иқтидорли шоир ёшларимиз сафи кенгайишига ишончим комил.

Тўхтапўлат ТЛЕУЛИЕВ,
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

>>> Хушхабар!

Балли, Даврон!



Таниқли олим, Шимкент шаҳар онкология маркази бўлим мудири, Даврон Исаметов Қозоғистон Миллий музейида ўтган халқаро илмий анжуманда «Йилнинг энг ёш олими» дея эътироф этилди ҳамда медал ва махсус диплом билан тақдирланди. ҚР «Дўстлик» ҳамжамияти Кенгаши аъзолари номидан ҳамюртимизни бу юксак унвон ила муборакбод этиб, унга илмий ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.



Эзгуликлар

мужассам айём муборак!



Қадрли ҳамюртлар! Сизларни 7 май – Ватан Ҳимоячилари ҳамда 9 май – Ғалаба байрами билан муборакбод этамиз! Аждодлар жасоратидан руҳ ва куч олиб, чинакам Ватан Ҳимоячилари ва тинчлик посбонлари, Янги Қозоғистон бунёдкорларига муқаддас бурча содиқлик тилаймиз.

Юртимизнинг бугунги осойишта ҳаёти учун жасорат кўрсатиб, фашизмга қарши урушда мардонавор жанг қилган, озодлик йўлида ўз ҳаётини қурбон қилган ота-боболаримиз руҳи покларига доимо ҳурмат бажо келтираемиз. Аждодларимизнинг юксак жасорати авлодлар учун доим ўрнак бўлади. Ватан озодлиги учун курашган юртдошларимиз ва уларнинг авлодларини, юртимиз аҳлини байрам билан самимий табриклаб, сиҳат-саломатлик, кўтаринки кайфият ва тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

Иқром ҲОШИМЖОНОВ,
ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раиси.



Ғалабанинг 80 йиллиги арафасида ўтганларнинг номини ёд этиш, хотирасини ҳурмат билан эслаш, уларнинг руҳларини шод қилиш муқаддас анъана сифатида қон-қонимизга синиб кетган.

9 май – Ғалаба кун. Меҳр-оқибат, қадр-қиммат, аждодлар руҳига эҳтиром каби халқимизнинг эзгу фазилатларини ўзида мужассам этган улуг айём бу.

Ғалаба байрами халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги кунимизнинг қадрига етишга, шукроналикка ўргатади. Бутун мамлакатимизда нишонланаётган 7 май – Ватан Ҳимоячилари кунини ҳамда 9 май – Буюк Ғалаба байрами муносабати билан УВУ фахрийлари, фронторти меҳнаткашлари, пиру бадавлат хонадонларимиз файзи бўлмиш нуруний отахону онахонларни, Ватан посбонлари ҳамда барча ҳамюртларимизни табриқлаймиз. Барчанасизга оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик, хонадонингизга кут-барака тилаймиз!

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

Баҳодир ИРИСМЕТОВ,
вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.



Ҳурматли ҳамюртлар!

Сизларни Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман!

Бу сана мен учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу улуг сана – бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг асосчиси бўлган жасур бобокалонларимизнинг фидоқорлиги, матонатли ва ғурурини ёдга оладиган кундир. Уларнинг жасорати ва Ватанга бўлган садоқати нафақат тарих, балки бугунги кунда ҳам бизга ибрат, илҳом ва масъулиятдир.

Шу муборак кунда жанг майдонларида ҳалок бўлган мард юртдошларимизни эҳтиром билан ёд этамиз. Бугунги кунда ҳаёт бўлган фахрийларимизга эса чуқур миннатдорчилик билдираман ва уларга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр тилайман!

Ватанамиз тинч, халқимиз омон, юртимиз обод бўлсин!

Қаҳрамон ИСМОИЛОВ,
тадбиркор.
Шимкент шаҳри.



Ватандек муқаддас макон йўқ дунёда. Ватанни бежиз Онага қиёслашмайди. Шу боис, 7 май – Ватан Ҳимоячилари кунини Қозоғистонимизда юксак, кўтаринки савияда нишонланади. Қай замонда бўлмасин, ватан Ҳимоячилари катта обрў-эътиборга эга бўлиб, одамлар орасида уларнинг ҳурмати баланд бўлган.

Ҳурматли ватандошлар, Сизларни 7 май – Ватан Ҳимоячилари ва 9 май – Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги билан самимий табриқлайман. Фарзандларимиз ҳеч қачон уруш кўрмасин. Ватан Ҳимоячилари давлат сарҳадларини мустақкам қўриқлашсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Асқар УМАРАЛИЕВ,
Атоий номли 109-сонли умумий ўрта мактаб директори.



1915 йили Чўрноқ қишлоғида таваллуд топган Умрзоқ Қўлматов (тасвирда) тўрт йиллик мактабдан сўнг уч ойлик ҳисобчилар тайёрлаш курсида ўқиган. Бобом жамоа ҳўжалиги тузуми қурилишида фаол қатнашиб, Фрунзе номли жамоа ҳўжалигининг бухгалтерини бўлиб ишлаган.

Уч уруш кўрган Умрзоқ бобом ҳақида

1937 йили ҳарбий хизматга сафарбар этилиб, Владивосток шаҳрида сапёрлар мактабида таҳсил олган.

1939 йили Совет-фин урушига отланган. Ҳарбий хизматни адо этгач, Фрунзе туманидаги тайёрлов ташкилотида бухгалтер бўлиб ишлаган. УВУ бошлангач 1942-1945 йиллари Белоруссия ва Ғарбий фронт жанг майдонларида иштирок этди. Оғир яраланиб, Свердловск шаҳрида госпиталда даволанди. 1946 йили қадрдон қишлоғига ёруғ юз билан қайтиб, ўз соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилди. Унинг кўксини “Қизил Юлдуз”, “Ватан уруши” орденлари ва кўплаб жанговар медаллар безаган.

Умр йўлдоши, қаҳрамон она Маҳфуза Қўлматова билан тўққиз нафар қобил фарзанд – етти ўғил, икки қиз тарбиялаб, воёга етказган. Падари бузрукворим Сайфулла Умрзоқ ўғли ҳам бобом танла-

ган касбни олий маълумотли мутахассис сифатида давом эттириб, элга ҳолис ва ҳалол хизмат қилди.

СССР деб аталмиш қудратли давлат Ҳимояси йўлида уч урушда иштирок этиб, мардлик намунасини кўрсатган, урушдан сўнг меҳнат жабҳасида зафарларга эришиб, ибратли оила соҳиби бўлган бобомиз Умрзоқ Қўлматов ва Чўрноқ қишлоғидан урушга отланган жами 288 нафар жангчиларнинг охирати обод бўлсин.

Тадбиркор сифатида қадрдон “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси обунасига 20 нусха доимий улушимни кейинги ярим йилликда ҳам давом эттириб, вилоятимиздаги ҳамюртларимизни шу хайрли ишга ҳисса қўшишга ундайман.

Асадулло САЙФУЛЛА ўғли.
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

Таваллудига 103 йил тўлган уруш фахрийси

Улуг Ватан урушининг мусибат, қийинчиликларини ўз кўзи билан кўрган фахрийлардан бири туркистонлик Ҳабибулла Ирисметов (тасвирда) эди.

1922 йили туғилган Ҳабибулла Ирисметов урушгача Чўрноқ қишлоғидаги Фрунзе жамоа ҳўжалигида меҳнат қилган. Урушга 1941 йили 10 декабрда отланган. Москва остонасидаги жанглардан то Берлинга Ғалаба байроғи тикилгунга қадар бўлган суронли урушларда иштирок этиб, душманга қақшатқич зарба берган. Бош кўмондон И. В. Сталиннинг ташаккурномаси билан тақдирланган. Шунингдек, жасоратлари биринчи, иккинчи даражали “Улуг Ватан уруши”, “Қизил Юлдуз” орденлари ҳамда 18та жанговар медаллар билан тақдирланган. 1943 йили Совет Иттифоқи Қаҳрамони Маншук Маметова билан бир қисмда хизмат қилган. М. Маметова хизматини штабда бошлаб, сўнгра санитарка бўлиб ишлаган. Кўнгиллилар қаторида фронтга отланиб, пулемётчи

сифатида жангларда иштирок этган. Урушдан 1945 йил 30 августда соғ-саломат қайтиб келиб, Самарқанддаги қишлоқ ҳўжалиги институтида таҳсил олди. Мол бўрдоқлаш давлат ҳўжалигида 28 йил директор бўлиб самарали меҳнат қилди. Умр йўлдоши Жамила ая билан қобил фарзандлар – Мақсуд, Клара, Дилоромларни тарбиялаб, неvara, эваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиби эди.

Буюк Ғалабанинг 60 йиллиги арафасида Шимкент шаҳрига уруш фахрийлари билан отланиб, йўл-транспорт ҳодисаси сабаб, автобуснинг олдинги қаторида ўтирган Ҳабибулла Ирисметов ва қуролдош ҳамшаҳри Олимжон Мухаммаджонов олган жароҳатлари туфайли 10 май кунини ҳаётдан кўз юмди.

Қийинчиликларни сабр, меҳнат билан енгган, урушдан сўнг меҳнат жабҳасида танилган кекса авлод вакили Ҳабибулла Ирисметовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу сақланиб қолади.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят газета-



си обунасини уюшқоқли ташкил этишга муносиб ҳисса қўшиб, келгуси ярим йилликда 100 нусха улуш билан қўллаб-қувватлаб, барчани шу хайрли ишга даъват этамиз.

Баҳодир ИРИСМЕТОВ,
Мурод ИРИСМЕТОВ,
Тойир ИРИСМЕТОВ,
Мақсуд ИРИСМЕТОВ.
Туркистон шаҳри.



Тошхўжа Ботирхонов. 1921 йил 1 январда Сайрам қишлоғида туғилган. Етти йиллик мактабни тамомлаб, Шимкент шаҳар педагогика билим юртида таҳсил олади. Сўнг қишлоқ болаларига тарихдан дарс бера бошлади.

У уруш бошланган йили ҳарбий хизматга қақирилди. Ҳарбий мактабда таҳсил олиб, лейтенант унвонига эга бўл-

ҚАЛБИДА ЁЛҚИНИ БОР АСКАР

ди. 1941 йилнинг охирларида Ватан Ҳимояси учун жангга кирди. Шимолий Кавказ, III Белоруссия, I Болтиқ бўйи ва I Украина фронтларининг ҳарбий қисмларида ҳаракатдаги армия билан Ростов, Шахта, Донбасс, Шауляй, Клайпеда, Кенигсберг, Берлин каби шаҳарлар учун бўлган жангларда иштирок этди.

Т. Ботирхонов фронтда взвод командири, батальон, кейинчалик полк комсорги, батальон командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб хизмат қилди. Ғалаба байрамини Берлинда, батальон командири лавозимида кутиб олди. Жангларда бир неча бор яраланиб, контузия олади.

1945 йил февраль ойида она юрти Сайрамга қайтди. Унинг жасорати муносиби баҳоланиб, “Жанговар Қизил Байроқ”, “Ватан уруши”, Қизил Юлдуз орденлари ва бир неча жанговар медаллар билан тақдирланди.

Т. БОТИРХОНОВНИНГ
ЖАНГОВАР
ҲАЁТИДАН ЛАВҲА

“Бу воқеа 1941 йил декабрь ойида бўлган эди. Батальон командири мени штабга чақириб, немисларнинг бир аскарини асир олишни топширди. Мен взводимдаги 9 нафар аскарни олиб, буйруқни бажариш учун кетдим. Зимистон тун. Пана жойга жойлашиб, немисларнинг соқчиларини алмаштириш вақтини кутдик. Кўп ўтмай, немис зобити икки аскарни билан соқчи алмаштириш учун келганда, бирдан пистирмадан чиқиб, уларни қўлга олдик. Буйруқни аёло даражада бажаргани-

миз учун мен Қизил Юлдуз, жангчиларим медаллар билан тақдирланишди”.

Ғалабадан сўнг Тошхўжа Ботирхонов Сайрам туманига қарашли Притрактовое қишлоқ кенгашига раис, туман ижроия кўмитасида бўлим мудири, Манкент қишлоқ кенгаши раиси ўринбосари, Манкент қишлоғидаги Ленин номли мактаб, сўнг Сайрам қишлоғидаги Калинин ва Фрунзе номли мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлади. 1959-1969 йилларда Шимкент вилояти мева-сабзавот базасида экспедиторлик қилди.

Ватан учун қон тўкиб, жонини фидо қилган қаҳрамонларимизнинг барҳаёт сиймоси мангу қалбимизда қолади.

М. УСМОНОВА.

“ПОБЕДА” – ҒАЛАБА РАМЗИ...



Шу кунларда Шимкент шаҳри кўчаларида юрган сайрамлик Пайзаҳмат Зиёматовнинг “Победа” русумли автомашинаси кўпчиликнинг диққат-эътиборида. Бунга сабаб, автоуловнинг Буюк Ғалабанинг 80 йиллигига мос руҳда безантирилганида.

Касбкори бўйича қурувчи Пайзаҳмат ака анча йиллардан буён эски автоуловлар йиғиш билан шугулланади. У “Чимкентстройдеталь” ИЧБ, “Южводстрой” трестиди хизмат қилган. Мустақиллик йилларида эса тадбиркорлик билан шугулланиб, “Қайнар”, “Бытие-2”, “Искра” МЧБларнинг директори сифатида фаолият кўрсатган.

– Автоуловимга Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари З. Ҳусанов ва Б. Содиқов, шунингдек, машхур генерал С. Раҳимов, УВУда иштирок этган ҳамюртларим Н. Йўлдошев, Ҳ. Тўйчиев, А. Мўминжонов, Д. Мўминшиқов, падари бузрукворим Ортиқмат Зиёматовларнинг портретлари илинган, – дейди у. – Улар Улуг Ватан урушида қаҳрамонлик кўрсатиб, бугунги тинчлик замонларни бизга тухфа қилганлар сирасидан. Оталаримизнинг жасоратини унутмаслигимиз керак. Уларнинг умр йўли ва жасоратидан ҳамиша фахрланамиз.

П. Зиёматовнинг ушбу ташаббуси ватанпарварликнинг оддий бир кўриниши бўлса-да, барчага ибратдир.

З. МЎМИНЖОНОВ.
Тасвирда: П. Зиёматов ва унинг “Победа” автомашинаси.

Ўттиз саққиз ёшида жанг майдонида ҳалок бўлган

Падари бузрукворим Худойберган Саидмуродов (тасвирда) 1906 йили Туркистон туманига қарашли Қарноқ қишлоғида туғилган.

Мактабдан сўнг Тошкентда олий ўқув юртини тамомлаб, Туркистондаги ҳозирги Ҳамза номли мактабда география фанидан дарс берган, илмий бўлим мудир бўлиб ишлаган. 1936 йилдан Фрунзе тумани маркази Чўрноқ қишлоғида мактаб директори, Туркистон шаҳрида таълим бўлими бошлиғи, Қарноқдаги К. Маркс номли мактабда директор бўлиб ишлаган. 1942 йили июль ойида она ватанимизни душмандан ҳимоя қилишга отланди. Катта лейтенант Х. Саидмуродов Беларуссия, Украина фронтларида рота командири ўринбосари сифатида хизмат қилди. 1944 йили 4 апрелда Украинанинг Ровно вилояти Сарний шаҳрини озод этишдаги ҳаёт-мамот жангларида оғир

яраланиб, ҳалок бўлди. Жасорати учун орден ва медаллар билан тақдирланган.

Онам Қурбон Саидмуродова колхозда ишлаган, уй бекаси эди. Учқун, Ерқин, камина ва Мариямларни тарбиялаган.

Падари бузрукворимиз дафн этилган Украинага мен акаларим билан уч марта бориб зиёрат қилиб, Қуръон тиловат қилдик. Қабрдаги мармар тошга исм-шарифи ва вафот этган йили ёзиб қўйилган. Қарноқ қишлоғидаги марказий кўчаларнинг бирига устоз, катта лейтенант Худойберган Саидмуродов номи берилиб, мармар лавҳага таржимаи ҳоли битилган. Бугунги авлод тўқ, фаровон ва осойишта ҳаёт учун давлатимизга миннатдорчилик билдириб, шукроналар айтса, арзийди. Отамиз ва биз яшаб ўтган даврларнинг қийинчилиги, азоб-уқубатини ёшлар кўрмасин.

Мен 1938 йили туғилганман.

Самарқанддаги Бутуниттифоқ кооператив савдо институтини тамомлаб, Туркистон шаҳри, Сайрамда матлубот жамияти раҳбари сифатида фаолият юритдим. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар билан тақдирланганман. Нафақага чиққач, эл бирлиги, тотувлик, дўстликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш мақсадида жамоат ишларида қатнашяпман.

Шаҳар, вилоят оқсоқоллар кенгаши аъзоси ҳамда Туркистон шаҳар УЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раисиман. Барча таълим даргоҳлари, хусусан, Қарноқдаги умумтаълим мактаблари, жамоат ташкилотларида мухбир Шомирза Мадалиев билан бирга бориб, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси обунасини уюшқоқли ташкил этишга ўз ҳиссамни



қўшаяпман. Вилоятимиздаги барча туман, шаҳар оқсоқолларини шу савобли ишга даъват этаман. Бугунги фаровон ҳаёт учун жонини фидо этган барча аскарлар, хусусан, падари бузрукворим Худойберган Саидмуродовнинг охирати обод бўлсин!

**Тўлқин САИДМУРОДОВ,
Туркистон шаҳрининг
фахрий фуқароси.**



Эзгуликлар муҳассам айём муборак!



Мустақиллик бизга тақдим этган 7 май – Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда шонли байрам – Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 80 йиллигини нишонлаётимиз. Шу муносабат билан мўътабар фахрийларни, кўп миллатли халқимизни самимий муборакбод этаман. Ушбу кўтлуг кунда инсоният тарихидаги энг даҳшатли урушда жасорат кўрсатиб, башариятни фашизм балосидан сақлаб қолган қаҳрамон ота-боболаримиз ҳамда фронт ортида мардонатор меҳнат қилиб, ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшган мард ва олижаноб юртдошларимиз хотираси муқаддас ва уларга доим юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтирамиз.

Буларнинг барчаси мустақил юрт авлодларининг мислсиз мардликка кўрсатган таъзини демасдик.

Қадри уруш фахрийлари! Буюк Ғалаба учун, мангу Мардлик учун сизларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдираман. Байрам муборак бўлсин!

**Тоҳир НИШОНБОВЕВ,
Шимкент шаҳар УЭМБ раиси.**



Мустақиллик ҳамда барқарорликка эришиш қанчалик қийин бўлса, уни асраш, қадрлаш янада юксак масъулиятни талаб этади. Қўргонни кучли давлатгина барча жаҳонларда тараққиётга, порлоқ келажакка эриша олади.

Шу кунларда элимизнинг турли минтақаларида аскар йиғилларимиз Ватан олдидаги йиғиллик бурчини шараф билан адо этишмоқда. Уларни 7 Май – Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда шонли байрам – Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 80 йиллигини нишонлаётимиз. Боболаримизнинг қаҳрамонликларини келажак авлодга ибрат қилиб кўрсатадиган буюк инсонийлик тимсоли бу.

Ватан учун жонини фидо қилган фахрийлар, фронортида туриб ғалабани яқинлаштиришга ҳисса қўшган меҳнат аҳлининг бугунги жамиятдаги ўрни ҳам ўзгача. Авлод тарбияси ва эл манфаати учун меҳнат қилган инсонлар ҳар қандай эъзозга лойиқ. Қадри баланд, элим-юртим деган инсонлар – бахтимиздир. Фахрийларимиз бахтимизга омон бўлишсин!

**Шухрат РЎЗИМАТОВ,
Ал Форобий туман УЭМБ раиси.
Шимкент шаҳри.**



Мамлатимизда 7 май – Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда 9 май – Буюк Ғалаба байрами кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан УВУ фахрийлари, фронторти меҳнаткашлари, Ватан посбонлари ҳамда барча ҳамюртларимизни муборакбод этаман. Хонадонларингизни бахт, тинчлик-хотиржамлик, кўт-баракка тарк этмасин.

Халқимиз келажакки йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги осойишта кунимизнинг қадрига етиш, шукроналикка ургатадиган муқаддас сана. Эзгуликлар, муқаддас қадриятларни ўзига жамлаган буюк байрам барчамизга муборак бўлсин! Қадриятлар улугланаётганини кўриб вояга етаетган эртаимиз эгалари истиқболи порлоқ, ўзлигини қадрлайдиган юртимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб вояга етишишига тилакдошимиз!

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамшиша мусаффо бўлсин!

**Журъат АНОРОВ,
Тулқибош туман УЭМБ раиси.**



Барчангизни 9 май – Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги билан самимий табриклайман!

Бу муқаддас сана – бизнинг умумий тарихимиз, ғуруримиз ва фахримиздир. Улуғ Ватан уруши йилларида миллионлаб инсонлар ўз жонларини фидо этди, улар Ватанни мардонатор ҳимоя қилди. Бизнинг бобокалонларимиз ана шундай оғир синовдан мардонатор ўтди ва келажак авлод учун тинчликни мерос қолдирди.

Мактаб жамоаси сифатида биз фидойи қаҳрамонлар хотирасини улуглаш, ёш авлод онгига ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, тинчликнинг қадрини англатиш йўлида фаол иш олиб бораёламиз.

Бугунги кунда ўкувчиларимиз илм олиб, юртимизга тараққиёт учун билимни, масъулиятли фуқаро бўлиб вояга етишиш – ана шу ғалаба мевасининг давомидир.

Фахрийларимизга узоқ умр, юртимизга тинчлик, фарзандларимизнинг келажакки порлоқ бўлишини тилайман!

Буюк Ғалаба кунини муборак бўлсин!

**Ақтўлқин ЖАЙЛАУБАЕВА,
57-сонли умумий ўрта мактаб директори.
Шимкент шаҳри.**

Урушдан сўнг 40 йил устоз- лик қилган собиқ жангчи

Падари бузрукворим, уч йил немисларга қарши қонли жангларида иштирок этиб, иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб ватанига қайтиб келган, урушдан кейин ёш авлодга таълим-тарбия берган Абдулла Ирисметов (тасвирда) нинг таваллудига 101 йил тўлмоқда. Урушдаги жасоратлари учун “Қизил Юлдуз”, “Ватан уруши” орденлари ҳамда 15 жанговар медаллар билан тақдирланган.

У 1924 йили Чўрноқ қишлоғида туғилган. Фрунзе номли мактабдан сўнг йўланма билан Свердлов шаҳридаги мис эритиш заводидида меҳнат қилди. 18 ёшга тўлгач, 1942 йили август ойида ўз ихтиёри билан фронтга отланди. Украина фронтинида 1149-ўқчи полкининг 53-дивизиясида танкларга қарши рота таркибидида кўп немис танкларини йўқ қилди. Жангларнинг бирида оғир яраланиб, Қозон шаҳридаги ҳарбий госпитал-



да даволанди, сўнг иккинчи гуруҳ ногирони сифатида қадрдон Туркистонга қайтиб келди. 1946 йили Алмати давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди. Қозоқ ва ўзбек тиллари, адабиётга бўлган қизиқиши М. Аюзов, Б. Кенжебаев, И. Кенесбаев, М. Балақаев, И. Маманов, Т. Тажибаев, Қ. Жумаев каби таниқли олим-устозлардан олган маҳорат сабоқларидан сўнг янада ортди. 1951 йили университетни тамомлаб, Туркистон шаҳрида А. Байтурсинов ва М. Жумабаев номли мактабларда устозлик фаолиятини бошлади. Қирқ йил мобайнида минглаб иқти-

дорли шогирдлар тайёрлади. Университетда бирга ўқиган, Туркистондаги И. Алтинсарин номли педагогика билим юр-



ти директори бўлган Зағипа Барлибаева билан муштарак ҳаётлари давомиди 5 қиз, 1 ўғил тарбиялаб, неварча, чеваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиби эди. Унинг ҳаёти, урушдаги жасорати, ёш авлод тарбияси йўлидаги самарали меҳнати биз учун ибрат мактабидир.

**Мурод АБДУЛЛА ўғли,
тадбиркор.
Туркистон шаҳри.**

Урушдан кейин бизга дарс берган устозлар



Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги арафасида Сўзоқ туманидаги Алишер Навоий номли мактабда бизга дарс берган ҳурматли собиқ жангчи, устозларимни ёд этмоқчиман.

Рисбай Тастанов 1918 йили туғилган. 1941-1945 йиллари ватан ҳимояси учун немисларга қарши жанг қилган. 1953 йили Тошкентдаги Низомий номидаги давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаган.



1955 йилдан А. Навоий номли мактабда тарих фанидан дарс берган. 1982 йили 25 майда вафот этган.

Эргаш Исроилов 1922 йили туғилган. Урушга дастлабкилар қаторида отланган. Жанг майдонларида жасорат кўрсатиб, “Қизил Юлдуз” ордени, ўндан зиёд жанговар медаллар билан тақдирланган. Урушдан сўнг Тошкентдаги Низомий номидаги педагогика институтининг география факультетини тамомлаган. А. Навоий номли мактабда география фанидан дарс берган. Собиқ жангчи ва устоз Эргаш Исроилов 2005 йили 83 ёшида вафот этди.

Исламбек Даулетов 1922 йили туғилган. 1941 йили кў-



гиллилар қаторида урушга отланган. Қадрдон юртига 1946 йили кўксидида жанговар орден ва медаллар билан қайтган. Сўзоқ қишлоғидаги Сталин (ҳозирги А. Навоий) номли, И. Алтинсарин номли мактабларда рус тили ва адабиёт фанидан дарс бериб, директор ўринбосари бўлган. 1986 йили фахрий ҳордиққа чиқиб, 1993 йили ноябрь ойида 71 ёшида вафот этди.

Маюсуф Абдуҷалиев 1925 йили туғилган. Тошкент педагогика билим юртини тамомлагач, А. Навоий номли мактабда устозлик қилган.



1943 йили Ватан ҳимояси учун урушга отланди. Жанг майдонларидаги жасоратлари учун “Ватан уруши” ордени ва медаллар билан тақдирланган. 1985 йили фахрий ҳордиққа чиқиб, 2007 йили 82 ёшида вафот этди.

Юқорида номлари қайд этилган муҳтарам устозларимиз Буюк Ғалабадан сўнг, қадрдон Сўзоқ қишлоғида собиқ Сталин, ҳозирги А. Навоий номли мактабда бизларга сабоқ берган.

Уларнинг охиратлари обод бўлсин. Собиқ жангчи устозларнинг фарзандлари, неваралари “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасининг эътиқодли обуначилари.

**Муҳаммаджон БОБОЕВ,
Сўзоқ тумани УЭМБ раиси,
фахрий устоз.**

Тасвирларда: Рисбай Тастанов; Эргаш Исроилов; Исламбек Даулетов; Маюсуф Абдуҷалиев.

МАШЪУМ УРУШ
АЗОБЛАРИ

СҰЗОҚДАН ВАТАН ҲИМОЯСИГА
ОТЛАНГАН БОБОМ

Жорий йилда фашистлар устидан қозонилган Ғалабанинг 80 йиллигини тинчлик-севар инсоният кенг нишонлайди. Уруш кўрган одамлар тобора камайиб бормоқда. Мен ўзим учун энг қадрли бўлган инсон – отамнинг уруш эсдаликларини тилга олмақчиман.

Отам уруш пайтида генерал Власов сотқинлигининг қурбони бўлган. Шўқри, ҳозирда улар оқланган. Кўп йиллар улар немисларга асир тушганликда айбланди. Аслида уларда айб бўлмаган. Армия кўмондони аскарлари билан душман томонга ўтиб кетган. Жангчиларнинг кўпчилиги буни билмаган ҳам. Кейинчалик кўпчилик Қизил Армия тарафга қочиб ўтган. Айримлар бунга муваффақ бўлган, баъзилари шаҳид кетган. Дадам раҳматли мана шу воқеани кўп эсларди: немислар булардан шубҳаланиб, оғир меҳнатлардан кейин концлагерга ташлаган. Кўрган-кечирганлари ва қийноқларни эслаш унинг учун оғир эди. Қадрдон дўсти Почтахон Марайим ўғлига ўқ тегиб, ўз кўли билан дафн қилганини изтироб билан гапириб беради. Дадам Самихон Айтмат ўғли (тасвирда) 1941 йили урушга олинган. Икки йилдан сўнг немислар кўлида машаққатли ҳаёт бошланган. Яширин тузилган ташкилот аъзолари билан лагердан қочишга муваффақ бўлган.

Бу ҳақда дадам шундай гапириб берган: “Қоронғи зимистон тун. Кўклам пайти. Сим тўрлардан бир амаллаб ўтганимизда немислар пайқаб қолиб, орқадан ўқ ота бошлашди. Бош кўтаришга имкон йўқ. Олдинда шовуллаб оқаётган дарё. Орқада ўлим шарпasi, олдинда нажот бўлиб кўринаётган тошқин сув. Таваккалига ҳамма ўзини дарёга ташлади. Сув совуқлиги баданини тешиб юборгудай. Душман орқадан аёвсиз ўқ ёғдирмоқда. Сувдагиларнинг талайи ўқ тегиб, чўкиб кетди. Дарё жуда чуқур бўлиб, суви шиддатли эди. Сузишдан чарчаб, нафас ростлаганимда, бир неча марта сувга чўка бошладим. Қимирлашга куч йўқ. Шунда “Е Раббим, Ҳазрати Султон бобом руҳи ҳаққи хурмати, ўзинг кўллагайсан!”, деганимни биламан, сув юзасига чиқиб, қирғоққа қийнлашганимни ҳис қилдим. Омон қолганлар бармоқ билан санарли эди. Биз ўрмондаги партизан ғуруҳига қўшилдик. Лекин бизларни сотқинликда айблаб, тергов қила бошлашди, энг оғир ишларга – жарима батальонига жўнатишди. Пировардида, Москва яқинидаги кўргошин заводига ишга юборишди. Иш оғир,

кунига 15 соатгача ишлатар, тунда овқат ейишга ҳам ҳолимиз бўлмай, ўнлаб одамлар жойлаштирилган захватли ерларда ухлаб қолардик. Тонг саҳарда яна ишга ҳайдашарди. 1945 йилнинг май ойида ҳаммамизни бу ердан бўшатилди. Яна қайтиб келиш шарти билан 10 кунлик таътил беришди. Бир амаллаб, юк поездда ларига осилиб, бир ҳафта деганда Туркистонга етиб келдим. Вақтим тугагач, қишлоқдаги МТС раҳбарлари қақриб, сени олиб қоламиз. Колхозда бугдой ўрадиган комбайн ҳайдайдиган одам йўқ, шуни ҳайдайсан, бу ёғидан кўрқма, брон қиламиз, дейишди. Колхозда комбайн билан бугдой ўра бошладим. Икки ҳафтадан сўнг, комбайндан ўт чиқиб, сомон ёниб кетди. Эртасига менга: “Бу халқ душмани, сомонни атайлаб ёққан”, деган айб қўйиб, суд қилмоқчи бўлишди. Шу куни кечкурун Тўраҳон, Букан, Ирисмат акаларим йиғилиб: “Сен бошқа ёққа кет, жойлашиб олгач, оилангни олиб кетасан”, дейишди. Мен шу тунда Тошкентга кетдим. Тошкент вилояти, Калинин туманидаги Охунбобоев колхозига бордим. Бу ерда ҳамқишлоқларимиз бор экан. Вафо аканинг укаси Юсуф дўстим ҳам шу ерда яшарди. Фамилиямни ўзгартириб, колхозга ишга жойлашдим. Кейин оиламни олиб келдим. Бу ерда 12 йил яшадик. 1957 йили Туркистоннинг Қоратқ қишлоғига кўчиб келдик”.

Дадам пахтачилик бригадасида механизатор бўлиб ишлаб, 1965 йили тракторда ҳалокатга учраб, 19 йил гоҳ ўзини билиб, гоҳ ўзини билмай ётди.

Биз дастлаб ижарада яшадик, 1959 йили пахсадан уч хонали уй қўрдик. Отамнинг қулоқлари эшитмай қолганлиги боис кўп нарсаларни сўраб ололмаганмиз. У 1984 йили вафот этди.

Менга бу ҳақда ёзма, деб маслаҳат берувчилар кўп бўлган. Машъум уруш тўғрисида мислсиз азобларга дучор бўлган отамнинг руҳи покларига ҳаққи хурмати, ҳақиқатни ёздим. Охиратлари обод бўлсин! Уруш тугаганига кўп йиллар ўтган бўлса ҳам, биз билмайдиган сирлари ва қаҳрамонлари жуда кўп. Ўз жонини халқ озодлиги йўлида фидо этган барча ота-боболаримиз руҳлари олдида таъзим бажо келтириб, тинчликнинг қадрига етайлик, демоқчиман.

Қодир АҲМЕДОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанглардан омон қайтган боболаримиз, оғир кунларни сабр-бардош билан енгиб, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, иймони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.

Ушбу мақола вилоят фахрийлар кенгаши раиси Женисбек Мауленқуловдан олинган маълумотлар асосида тайёрланди.

1945 йилнинг 9 майигача чўзилган урушга қанча қозоғистонликлар отланса, фронттортида қолганлар Ғалаба учун жонини фидо қилиб меҳнат қилдилар, тарихга муҳрланган мардлик кўрсатдилар.

СУКУТ МУДДАТИ – 45 ЙИЛ...

Дарҳақиқат, тарихий маълумотларга кўра, одамзот тарихидаги энг машъум уруш тўғрисида 30 миллион одам ҳалок бўлган. Минглаб шахарлар ва аҳоли манзиллари вайрон бўлиб, миллионлаб гектар ўрмон ва далалар яроқсиз ҳолга келган. Душман ўқидан ажал кучган, хат-хабарсиз кетган йигитлар қанча. Ҳа, бу дахшатли уруш одамзот тарихидан мангу ўчмас ҳасрат ва надоматдир. Сабаби, дунёда юз берган қиргинларнинг ичиде энг узоқ муддат ва энг катта зарар келтирган мана шу Иккинчи жаҳон – Улуғ Ватан уруши бўлган.

...1941 йил 22 июнь, тонгги соат 4.00да Гитлернинг буйруғи билан бошланган уруш 4 йилу 1418 кун ва тунга чўзилди. Унда 40та мамлакатнинг ери оловга ўранди, урушда қатнашган давлатларда қанча оиланинг мард ўғлонлари йўқ бўлиб кетди. Қўлига қурол олган жанг майдонида тушган 110 миллион одамнинг ярмидан кўпи душман ўқидан ҳалок бўлди. Ана шу зулматли йилларда Совет Иттифоқидан урушга жўнаб кетган 27 млн. мард ўғлонлар ҳоқи жанг майдонида қолди, уйга қайтмадилар. Меҳрибон она, суюкли ёр, қадрли опа-укалар зор йиглаб қолишди. Агар Ватан учун жонини фидо қилган қурбонларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида сукут сақланса, сукут муддати 45 йилга тенг бўларкан. Урушда минглаб ёшлар оловли майдонда фашистлар билан жангга кирди, элини душмандан ҳимоя қилди. Улар оппоқ тўшадиганда ётмади, тўйиб нон емади, тўйиб ухламади. Қанчалаб мард ўғлонлар ёшликнинг энг навқирон лаҳзаларидан маҳрум бўлди, юрт соғинчи, жигарлар дийдорига етмай, ҳалок бўлдилар. Қанча она йўл қараб, йиғидан рўмонлини ҳўл

қилса, қанча ота соқолидан ёш томчилаб, “қора хат”ни кўчиб йилгади. Уларнинг қайғу-ҳасратини сўз билан таърифлаш жуда қийин.

ҲАММАСИ ФРОНТ УЧУН

Дахшатли уруш Жанубий Қозоғистон вилояти аҳли учун кўплаб қийинчиликлар олиб келиб, тинч ҳаётга чанг солди. 1941 йилнинг 22 июни куни Шимкентдаги “Химфарм” заводи, “Қўрғошын” заводи, Мақтаарал туманидаги Алексеевск пахта заводи, Сариеғоч ва бошқа барча туманларда митинглар уюштирилиб, ишчилар энди фақат Ватан ҳимояси учун меҳнат қилишларини билдиришди. Бутун вилоятда ишлаб чиқариш йўналиши ўзгартирилиб, фронтга зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1941 йили 7 сентябрда ВКП(б) марказий қўмитасининг 5 сентябрдаги “Халқ орасида жангчилар учун иссиқ кийимлар ва озиқ-овқат тўплаш” қарори чиқди. Вилоят қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари “Ортиқча донни давлатга сотиш – ҳар бир колхозчининг ватанпарварлик бурчи” шиори шу йилларда ҳаётга келди. Шу йилнинг декабрида фронтга 14207 дона иссиқ кийим, 834 кило жун, 59 кило пахта, 157 метр мануфактура, 70 кило пивёз жўнатилды. 1942 йили Жанубий Қозоғистон вилоятидан Ленинградга 18та вагонда 418 тонна маҳсулот жўнатилиди. Сўзоқ, Арис, Туркистон туманлари меҳнаткашлари ҳам бор йиғиб-терганларини жанг майдонларига жўната бошлади. Шу йиллари классик кураш чемпиони Қажимуҳан Мунайтпасов (1883-1948 й. й.) кексайиб қолишга қарамай, майдонда кураш тушиб, тўппанган 100 минг сўмини самолёт ясаш учун юборди. Жануб минтақаси фуқаролари озиқ-овқат, кийим-кечакдан ташқари, қурол-яроғларга ҳам эътибор қаратишди. 1942 йили вилоят ёшлари танк колоннасини қуриш учун 8 млн. сўм тўпласа, 1943 йили “Қозоғистон комсомоли” номли ҳаво эскадрилинини қуришга 1 млн. сўм маблағ ўтказди. Ушбу хайрли ишда Акпар Шўраев, Балта Алибеков, Шағатай Егембердиев, Шақим Садиқов, Б. Ўндасинов каби ҳамюртларимиз 100, 170 минг сўмдан ўз хиссаси-

ни қўшган. Уруш тўғрисида қишлоқ хўжалигидаги энг оғир юмушлар хотин-қизлар ва қариялар зиммасига тушган давр бўлди. Техника тилини ўзлаштирган 5682 нафар хотин-қиз соҳа қийинчилигини ўз зиммасига олган мард инсонлар эди.

УНУТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

2012 йилнинг 5 декабрида Ашхободда ўтган МДХ давлатлари раҳбарлари УВУ фахрийлари ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқлар дўстлиги ва тотувлигини барқарорлаштириш мақсадида “Ғалаба байрамини мангу нишонлаш” фармойиши қабул қилинган.

Биз азалдан тинчликсевар халқимиз. Айнан ушбу гоёга бағишланган буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг барчасида тинчликнинг қадрига етиш тарғиб қилиниб, уруш эса батамом қораланади. Ҳали-ҳануз орамизда саноқли уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат машаққатини чекканлар бор. Ўтганларни хотирлаш, сафимизда юрганларнинг эса қадрига етиш бизнинг инсонийлик бурчимиз. Бугунги кунда жасорати ва мардлиги билан тилларда дoston бўлган ғанимат катта авлодлар сафи камайиб бормоқда. Шу боис, янги аср авлодлари миллионларнинг тақдирини ҳасратга айлантирган Улуғ Ватан урушини унутишга ҳаққи йўқ.

ҒАЛАБА БАЙРАМИ МУНОСИБ НИШОНЛАНАДИ

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Фармони билан Ғалабанинг 80 йиллиги мамлакат миқёсида нишонланиб, вилоят фахрийларида ҳокимлик томонидан 5 млн. тенге кўламида бир марталик моддий ёрдам берилди.

Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги қарорига мувофиқ, туман, шаҳар бюджет-

Сталин номли мактабда математика ва физика фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1942 йили 20 сентябрда Ватан ҳимоясига сафарбар этилиб, немис босқинчиларига қарши жангларда иштирок этади. Сталинград жангида иштирок этган. 1943 йили декабрь ойида бедарак йўқолади. Оилали бўлган. Умр йўлдоши Иззат Отажиева билан беш фарзанд – Иноят, Ўқтамхон, Ибодат, Зафар, Жаҳонгирларни тарбиялаган.

Урушда Совет Иттифоқи аскарлар ва тинч аҳолини кўшганда 20 миллион киши ҳалок бўлди. Бобомиз Тўхта Отажи ўғли машъум уруш тўғрисида ҳалок бўлганларнинг бири эди. Охирати обод бўлсин! Тинчликни кўз қорачигидек асрайлик, азизлар.



Руслан ЗАФАР ўғли,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.
Сўзоқ қишлоғи.

»» Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдулла Усенов – 101 ёшда

БУЮК ҒАЛАБА ҚАҲРАМОНЛАРИГА МИНГ ТАЪЗИМ!



тилақларини изхор этишди. Турли мавзуларда ўтказилган танловларнинг голиб-ларига мукофот, совғалар

туман, вилоят маслаҳатлари депутатлари томонидан тақдим этилди.

Абдулла Усенов урушга 18 ёшида отланган. 1943 йилнинг декабрида немис техникасини тўхтатиш учун иккита минани бағрига босиб ўзини танк ғилдирағи остига ташлаб, ҳаёти эвазига душманни тўхтатди. 1944 йили ўлимидан сўнг А. Усеновга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Мардлик, ватанга садоқат, душманга нафрат, ёш-

ларга ибрат намунасини кўрсатган А. Усеновнинг порлоқ хотираси халқимиз қалбига барҳаёт.

Абдулла РАСУЛОВ,
Учқайиқ қишлоқ
ЎЭМБ раиси.

Тўлқин ЖИЯНБОВЕВ,
А. Усенов номли
мактаб касаба уюшмаси
қўмитаси раиси.

Суратларда: қаҳрамон
А. Усенов; тадбирдан лавҳа.



ХОТИРА – МУҚАДДАС, ҚАДР – АЗИЗ

Мухтабар УСМОНОВА.

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ АРДОҚДА



Сўлим Қорамурт қишлоғининг аҳолиси ҳам Ғалабанинг 80 йиллигига ўзгача руҳда тайёргарлик кўряпти. Бирор бир авлоди УВУда иштирок этган ёки бедарак кетган хонадон борки, аجدодларига дахлдор ҳужжатларни излаштириш, сана ҳамда манзилларини аниқлаштириш билан банд.

Ҳамюртимиз, Қорамурт қишлоғида истиқомат қиладиган Абдуғани Пратов марҳум амаси Эргаш Пратовнинг Россиянинг Новгород вилояти Парфино туманида дафн этилганлигини аниқлаб, отаси зурриётининг қабридан тупроқ олиб келгандан сўнг, боболаримиз хотирасини тиклаш ишларига алоҳида руҳан ёндашди.

Нафақадаги ҳаётини УВУ ҳақидаги ҳужжатларни ўрганиш, жумладан, урушда бедарак кетган боболаримиз ўтмиши, дафн қилинган манзилларини аниқлаштиришга бағишлади, десак муболага бўлмайди. Тарихий маълумотларни жамлаган турли сайт ҳамда архивлар ахборот порталида бедарак кетган фахрийларимиз тақдирларини ўрганишга бел боғлаган А. Пратов яқинда яна бир юртдошимизни қувонтирди, руҳан кемтик қалбига қувват бағишлади.

Халқимизнинг ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан илғор фикрли вакилларидан тўқсон ёш остонасидан ҳатлаган Турсунхон Холмуродовнинг падари бузруквори, урушда бедарак кетган Холмурод Абдурайимов ҳақидаги материалларни топишга муваффақ бўлди. Т. Холмуродов 8 ёшида отасини сўнгги бор кўрди — отасини урушга кузатди ва кўп ўтмай, ота ўнг елкасидан жароҳат олиб, ҳаёtdан кўз юмади. Уйга қорахат келди. Шунча йилдан буён ота фарзандлари қалбда, уларнинг хотираларида яшайди. Топилган архив материалларига кўра, 1906 йили Сайрам тумани

Бозорқоққа қишлоқ кенгашида таваллуд топган Холмурод Абдурайимов 376-сонли ўқчи дивизиясида хизмат қилган ва 1942 йили 22 сентябрда жанг майдонида ҳалок бўлган. Унинг Ленинград вилояти Мгинский тумани, Липкинский қишлоқ кенгаши, Липки деревнясидаги қабристондан 200 метр жанубда дафн этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар топилди. Турсунхон Холмуродов нуроний ва баракали умр зарварақларида бетакрор ва ўзига хос шодлик ҳамда розиликни ҳис қилди. Марҳум отасидан дарак топди — руҳи кушойиш топди. Тарих сарҳадлари ажойиботларга тўла эмасми, архив материалларини излаштириш натижасида, яна бир ҳамюртимиз ҳақидаги маълумотлар аниқланди. Айнан ўша кунги жангда, ушбу манзилдаги 376-ўқчилар дивизияси таркибда Қорамурт қишлоғи “Меҳнат” жамоа хўжалигидан УВУга отланган Элмурод Элтоев ҳалок бўлгани ва Липки деревнясида дафн этилганлиги тўғрисидаги ахборот ҳам топилди. Яна бир хонадон, бир авлод — бобосининг сўнгги манзилини топиб, руҳини шод қилди.

4 фарзандни кўргандан сўнг, урушга қақирилди. 1942 йили апрель ойида ватан ҳимоясига отланган жангчи шу йили 22 сентябрда жанг майдонида ҳалок бўлди. Элмуродовлар хонадонига ташриф буюрган кунимиз марҳум Эшматов отанинг уч ўғил ҳамда уч қизи ота уйида бош қўшиб, бобосининг дарағи топилганини эшитиб, аждодлари хотирасига Қуръон бағишлашди.

— Отам умри мобайнида бобомнинг дафн этилган манзилини, уни бир бора зиёрат қилсам эди, деб армон билан бу



дунёдан кўз юмганлар, — дейди Хушёрбек Элмуродов суҳбатда. — Жонқуяримиз, фаолимиз Абдуғани Пратовдан миннатдоримиз. Биз қўлга киритган маълумотларни отам бир неча ўн йиллаб кутгани, излагани фақат ўзига аён ва Аллоҳгагина маълум. Абдуғани акадан қорамуртлик жангчилардан 143 нафарининг дафн этилган жойлари топилганини эшитиб, қувондим. Бу ёшларимизнинг қадриятларимизни қадрлаш, юксак баҳолашининг тарғиботи, аждодларининг хотирасига кўрсатилган эҳтиромдир.

Хушёрбек Элмуродов марҳум Эшматов отанинг тўнгич фарзанди. Бобоси Элмурод ота 1908 йили туғилган бўлиб, Зийнат исмли қиз билан оила қургач, улар 3 ўғил ва бир қиз кўришди. Хушёрбекнинг отаси Эшматов ота Элмурод бобосининг учинчи ўғли. Қорамурт қишлоғида “Меҳнат” жамоа хўжалигида ишлаб, пахта етиштиришди, режани йил сайин бажарди. Кураш бўйича ҳамқишлоқлари ўртасида полвон деб ном чиқарган ота






Қорамурт қишлоғида 1923 йили туғилган Муслим Муқаррамов 7 ёшида комсомол билетини олади, бунга архив ҳужжатлари тасдиқлайди. Ўз тенгқурларига қараганда анча гавдали бўлганлиги боис ҳам мактабни тугатмай, УВУга отланган.

— Авлодларимиз катталаридан эшитганим бўйича амакимни вояга етмай туриб урушга юборишган, — дейди нафақадаги муаллим Дилфуза Муҳиддинова. — 1943 йили амаким яраланиб, госпиталда даволанган ва бу ҳақда Кировограддан юборилган мактубларида батафсил ёзганлар. У ерда Муслим исмли ҳамқишлоғи ҳам даволанаётганидан хабар топиб, ўша ерда учрашиб, танишган. Отам исми Шоқосим бўлиб, Муслим ота унинг тўнгич ўғли. Отам Қорамуртдаги И. В. Панфилов номидаги мактабга директорлик қилган, тарихдан сабоқ берган. Уруш тугагандан сўнг марказни архивларга мурожаат қилиб, акасининг ҳужжатларини излаштирган. Бироқ амакимнинг дарағи ҳали ҳам топилмади. У кишидан келган мактублар осори атиқаларимиз, муқаддас ҳужжатларимиздир. Уларни қўлга олганимизда унинг қандай қайфиятда, қандай изтиробда ёзганлигини ҳис қиламиз. Мактуб лотин ёзувида шу қадар аниқ ёзилганки, нусхаларидан ҳам жумлаларни бемаълум ўқиш мумкин. Ғалабанинг 80 йиллиги арафасида, аждодларимизнинг келажагимиз учун ҳаётини қурбон қилгани, кўрсатган жасоратини руҳан ҳис қиляпмиз. Ўтганларнинг руҳи шод бўлсин, уларнинг азиз хотиралари ёдимизда барҳаёт.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»»Обуначиларимиз орасида

ВИЛОЯТДА ЯГОНА



Қуйида Қодир Аҳмедовнинг 2020 йили Алматида нашр қилинган “Ўтмишдан сабоқлар” китобидаги Сузук ота ҳақидаги мақоласини эътиборларингизга ҳавола қиламиз.

Таҳририят.

СУЗУК ОТА ҲАМЮРТИМИЗ

2019 йили 19 октябрда Қорачик қишлоғининг 2000 йиллик тарихий тўйи Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркия давлатлари тарихчи олимлари, кенг жамоатчилик иштирокида юксак савияда ўтди.

Қорачик қадимий қишлоқлардан бири. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луготит турк”, Аҳмад Югнакийнинг “Хабатул ҳақойиқ”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” ва тадқиқотчи ҳамқишлоғимиз Аширмат Толиповнинг “Қорачик ва қорачикликлар” китобида батафсил маълумотлар берилган.

Ушбу мақолада ислом оламнинг буюк намояндаларидан бўлган Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавийнинг Қорачикда туғилган невараси Сузук ота (Мустафоқул) ҳақида тўхталмоқчимиз.

Сузук ота 1140 йили Қорачик қишлоғида таваллуд топган. Бобоси Аҳмад Яссавийдан диний билимларни ўрганган. Бобоси уни сузугим, сузугим деб эркатлагани учун кейинчалик Сузук ота деб аталиб кетган. Мустафоқул Аҳмад Яссавий ҳазратларининг ягона қизи Гавҳари Хуштарийнинг ўғлидир. Сузук ота дурадгор уста бўлган. Кейинчалик Тошкентга кўчиб борган ва шу ерда муқим яшаб қолган. Бу ерда юзга яқин хунараманд усталарни, хусусан, Қорачик қишлоғидан ҳам қақириб хунарамандлар маҳалласини ташкил этган. Кўп шоғирдлар етиштирган ва

эл орасида машҳур бўлган. Сузук ота — Мустафоқул 1217 йили вафот этган. 1363-1364 йиллари соҳибқирон Амир Темур унинг қабри теласига мақбара қурдирган, ёнида 700 ўринли масжид ҳам бунёд эттирган. Йиллар ўтиб, бу жой Сузук ота маҳалласи, деб ном олган. 1930 йили, Шўролар даврида масжид биноси бўёқ идишлари ишлаб чиқарувчи корхонага айлантирилган.

2018 йили Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан эскириб қолган уйлар бузилиб, ўрнида хунарамандлар шаҳарчаси барпо этилди. Бу ер Тошкент шаҳрининг энг гўзал масканларидан бирига айлантирилди. Шайхонтохур туманининг Самарқанд дарвоза ва Чорсу мавзелари орасидаги ушбу мажмуада Сузук ота мақбарасидан ташқари 5 минг кишилик масжид, кутубхона, музей, хунарамандлар устахоналари, ётоқхоналар, хиёбонлар, дам олиш масканлари ва маъмурий бинолар қад кўтарган. Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида иқтисодий, маданий, маърифий ҳамкорлик ришталари тобора мустақамланаётгани ҳозирги даврда ҳамюртларимизни буюк бобокалонимиз Сузук ота руҳи поклари ҳурматиға бунёд этилган мажмуаларни зиёрат қилишга чорлаймиш. Мозийга қайтиб иш кўрмоқ — хайрлидур.

Қодир АҲМЕДОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.
“Ўтмишдан сабоқлар”дан.

ЖАСОРАТ АБАДИЙДИР

Тарихда шундай кунлар бўладики, уларни эслаш қалбда ғурур ва изтиробни бирдек уйғотади. 9 май ана шундай унутилмас саналардан биридир.

Бу кун қалбимизда абадий ўчмас из қолдирган инсонларни ёд этиб, уларнинг жасорати олдида бош эгамиз. Иккинчи жаҳон уруши нафақат миллионлаб инсонлар ҳаётига зомин бўлди, балки бутун бир авлоднинг тақдирини тубдан ўзгартирди.

Улар урушда Ватан, келажақ ва халқ озодлиги учун жон олиб, жон берган, фидойилар жонини фидо қилди. Бугун юртимизда ўша оғир йилларни бошдан кечирган, машаққатли йўлни босиб ўтган фахрийлар кам қолган. Уларнинг ҳар бири жонли тарих, ҳар бири биз учун ибрат мактабидир. Уларнинг кўзларида ёш, қалбда армон билан фахр яширинган. Ҳар бир уруш фахрийси, ҳар бир фронт орти меҳнаткаш — бу эл-юрт жасоратининг ёрқин тимсолидир. Уларнинг фидойилиги туфайли биз бугун осуда осмон остида умргузаронлик қилмоқдамиз. Уларнинг номи доим барҳаёт. Чунки жасорат абадийдир. У юракларда яшайди, авлоддан-авлодга ўтади.

Бу кун — бу нафақат ўтмишни эслаш, балки келажақ учун масъулиятни ҳис қилиш имкониятидир. Бу кун бизни ягона халқ сифатида бирлаштирадиган, илдишларимизга қайтарадиган, қалбимизда ватанпарварлик туйғуларини уйғотадиган муқаддас сана. Ҳар йили 9 май санасида қалбимизни ғурур, фахр ва бир томондан изтироб қамраб олади. Бу туйғулар бизни кучли қиладди. Улар орқалигина биз Ватанимизни янада севамиз, уни асраш ва янада бойитишга интиламиз. Шундай экан, юрагимизда жасоратни абадий сақлайлик.

Уруш фахрийлари олдида қарздорлигимизни унутмайлик. Ҳар бир тинч тонгда, ҳар бир сокин оқшомада уларни ёд этайлик. Чунки улар — бизнинг фахримиз, бизнинг тарихимиз.

Нодира ЖҲРАЕВА.



Санъатни қадрлайдиган инсонларга хушқайфият улашишда Шимкент шаҳар ўзбек драма театрида 20 йилдан буён қоровуллик қилаётган, ҳудудини саришта ушлаб келаётган Азиз Қодировнинг ҳам хизмати бор.

Таниқли театр танқидчиси К. Станиславскийнинг “театр кийим илгичдан бошланади” нақлини қаҳрамонимиз Азизга мослаб, “театр унинг атрофи, ҳовлиси ва кўчасидан бошланади” дейишга тўлиқ асос бор. Унинг фаолияти туфайли театр жозибадорлиги кун сайин ортиб бормоқда. Хатто кўшни мамлакат театрлари бизнинг саҳнамизда таниқли саҳна асарларини ижро этишмоқда. Болалигида бошқа болалар сингари таниқлилик, актёр юлдуз бўлишни орзу қилса-да, шукрки, муқаддас даргоҳ саҳнаси уни ўзидан четлатгани йўқ.

— Қариндошларимиз хонадониди, қолаверса, тоғам ва холаларим оиласида тарбияландим, —

ЭЛНИ АЗИЗ ҚИЛАР, ЭЛДА АЗИЗЛАР

дейди А. Қодиров. — Бироқ отасини йўқотган, онаси доим касалхонада даволанаётган боланинг ҳаёти қариндошларига ҳам оғир юк. Шу боис болалигим Шимкентдаги 3-болалар уйида ўтди. 4 ёшга қадар 2 марта онамни кўриш бахтига муяссар бўлдим. Кейин Хонимбуви Мираҳмедова бошқарган болалар муассасасига ўтказишди. Катта ёшдаги болалар жамоаси, характерларимиз шаклланаётган палла. Жамоада ўз ўрнингни топишинг керак бўлган, ўз ҳуқуқларингни, ўз қизиқишларингни ҳимоя қиладиган давр. Бу вақт мобайнида турли муносабатларни бошимдан ўтказдим. Ҳаёт менга қувончли кунларини ҳам ҳаёда қилди, яширмайман, кўз ёшга тўлган онларни ҳам бошимдан ўтказдим. Дунёда ота-она меҳричалик иссиқ ва Яратган томонидан инъом этиладиган бахт йўқлигини ҳаётда эрта ҳис қилдим. Тўқис оилада болалик — пошшолик даврини сураётган тенгқурларимга юзланиб, “сен эгалик қилаётган бахтни кимлардир ҳатто тушларидида кўришга мушток, унинг қадрига ет”, деб ҳайқиргим келган пайтларимни кўп бўлган...

...Азиз вояга етди. Тўлебий тумани Кўксаёқ қишлоғидаги билим юртининг автомеханика ихтисослигини тамомлади. 17 ёшида ўзбек драма театрига меҳаник бўлиб ишга кирди, чироқчилик қилди.

— Ҳаётимга кириб келган ҳар бир инсондан розиман, — дейди биз билан суҳбатда Азиз Қодиров.

— Менинг ҳамкасбларим, йиллар давомида менга раҳбарлик қилиб келган, санъат ривожига ҳисса қўшиб келган инсонлар мени оз бўлса-да, камолот зинапояларидан одимлашимга, имконим етгунича хайрли инсон бўлишимда улкан ҳисса қўшганликлари учун улардан беҳад миннатдорман. Улар менинг ҳолатимни англашга, шу билан бирга, менга шароит яратиб беришга, кечаги ўзимдан кўра бугунги нусхам яхшироқ бўлишига улуш қўшган инсонлардир. Миллатимизнинг етакчиларидан, улармиз ҳаётини бошимизда бошқарган Зокиржон Мўминжонов, Икромжон Ҳошимжонов, Мирвоҳид Миразизов айна кунда раҳбарлик қилаётган Рустамхўжа Саидхўжаев ишларига омад тилайман. Шу ерда ишлаб, бошпана билан таъминланишимга ҳам шароит яратиб беришди. Яқин кунларда давлат томонидан бошпана билан таъминланишимни эшитиб, янада қувондим. Менга устозлик қилган инсонларнинг бунда ҳам хизматлари бор, албатта. Мендан оталик меҳрини дариг тутмаганликлари учун раҳмат!

Кўп дўстларим, танишларимнинг қўл телефонлари орқали ота-оналари уларга қўнғироқ қилиб, таомга кутаётганликларини, дўстларим боролмасликларини айтиб, жеркиб жавоб бераётганликларини кўриб, юрагим оғрийди, ишонинг. Ёшлар орасида удум бўлаётган “оиладаги болалик руҳий

жароҳатлари” борасида ота-оналарини айблашса, тепа сочим тикка бўлади. Муваффақиятсизликда энг азиз ота-онасини айблаётган пайтида, бошқа бир болакай ота-она меҳридан умуман мосуволигини билмайдиган аҳмоқлар кўп. “Инсон қўлида бор неъматларига ношукр, фақат неъмат заволга учрагандагина кўзи очилишини англадим. Ўша дўстларимга қарата “ота-оналарингни менга ижарага бера олмайсанлар, уларни борида қадрига етинлар”, дейман. Ҳозир ота-онасини умра зиёратига юбораётганлар, улар таваллуд кунларида “Жаннатим — онам”, “Давлатим — отам”, деб турли ижтимоий тармоқларга тарқатиладиган намойишкорона руҳдаги оилавий тадбирларини кузатиб, аксарият ҳолларда халқимиз ушбу амалии ҳам кўр-кўроналик учун қилишаётганидан ачинаман. Ота-оналаримизга, дадбада, ижтимоий тармоқларга жойланадиган ҳис-туйғулардан кўра, ҳар кунги самимий эътиборимиз керак, уларни қадрлаётганимизни ҳис қилишлари жоиз. Тақдиримдан розиман. Қилаётган меҳнатимдан хурсандман. Менинг юзим театр, кўнглим театр. Театримизнинг атрофларини саришталаб, тозалаб, санъатсевар дўстларимизни қарши оламан, уларнинг қайфияти кўтарилишида ҳам менинг ҳиссам борлигидан хурсандман.

М. САЪДУЛЛАЕВА.



УРУШ ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИ ФАХРИЙСИ ЖАЛИЛ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА



Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги арафасида Чипон қишлоғида таваллуд топган, немис босқинчиларига қарши жанглarda жасорат кўрсатган, урушдан аввал ва кейин ёш авлод таълим-тарбиясига ҳаётини бахшида этган Жалил Абдуллаев хотирасини ёд этамиз.

Ж. Абдуллаев 1919 йили таваллуд топган. Чипон қишло-



лат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлади. Ҳамқишлоқлари илтимосига биноан, Қозоғистон раҳбари Динмухаммед Қўнаевга мурожаат этиб, Чипон қишлоғи йўлидаги Қорачиқ сойи устидан кўприк қурилишига эришди. Фронтдаги жасорати учун "Қизил юлдуз" ордени, "Германия устидан қозонилган ғалаба учун", "Ватан урушидаги мардлиги учун" ва кўплаб юбилей медаллари билан тақдирланган. Устозлик жабҳасидаги самарали меҳнатлари, қишлоқдаги бунёдкорлик фаолияти учун медаллар, ташаккурномалар билан тақдирланган.



болалар боғчаси бунёд этилиб, ёш авлод камолоти йўлида самарали фаолият юритмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Жалил Абдуллаев умр йўлдоши Сора Дўсжон кизи билан; А. Яссавий мақбарасида оилавий зиёрат чоғида фарзандлари ва неваралари билан; Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Фарҳод Абдуллаев – фаол обуначимиз; Туркистон, Кентов шаҳарлари ва Саврон тумани фаоллари Жалил Абдуллаев номидаги 900 ўринли заковат мактаби билан танишиш чоғида.



ғидаги бошланғич, Югнак қишлоғида 8-синфни тамомлагач, Самарқанддаги ишчи факультетида таҳсил олди. Устозлик фаолиятини 1938 йили "Коммуна" мактабида бошланғич синф ўқитувчиси сифатида бошлади. Ҳарбий хизматни 1940 йили 15 мартда Украинанинг Николаев шаҳрида бошлаган. 1941 йили 22 июнда немис босқинчиларига қарши Ватан Ҳимояси учун урушда иштирок этди. Оёғидан қаттиқ яраланиб, даволангач, яна фронтга отланди. 1942 йил ва 1943 йил 2 апрелда қўли ва оёғидан оғир яраланди. Госпиталда даволангач, саломатлигига кўра ҳарбий хизматдан озод этилди. Умр йўлдоши, қаҳрамон она Сора Дўсжон кизи билан қобил фарзандлар – Болтабой, Онажон, Фарҳод, Тўражон, Малика, Комилжон, Муборак,

Фарида, Олмаҳонларни тарбиялаб, вояга етказган, неваралар кураган пири бадавлат оила соҳиби эди. 1943 йилдан Чипондаги мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида фаолиятини давом эттирди. Коммунистик партиянинг фаол аъзоси сифатида мактабда бошланғич партия ташкилотига раҳбар эди. Қишлоқда бошланғич мактаб биноси қурилишида жонбозлик кўрсатди. Вақт ўтгач, бошланғич мактабнинг тўққиз йиллик макомга эришиши учун зарур ташкилий ишларни муносиб бажарди. Чипондаги таълим даргоҳининг ҳар томонлама ривожланишига жонқуярлик қилди. Чипон қишлоғи муаммосини ҳал қилиб, зовур қазилишига эришди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, 1962 йили Тошкентдаги Низомий номидаги дав-



Жалил Абдуллаев 1996 йили 77 ёшида вафот этди. Фарзандлари ва неваралари саъй-ҳаракатлари билан Югнак қишлоғида 900 ўринли Жалил Абдуллаев номидаги заковат мактаби ва Сора она номидаги замонавий

Р.С. Уруш ва меҳнат фахрийси Жалил Абдуллаевнинг тadbиркор ўғли Фарҳод Абдуллаев, невараси, Саврон тумани маслаҳати депутати Нурсултон Абдуллаев саъй-ҳаракатлари билан Югнак хўжалиги деҳқонлари, Жалил Абдуллаев заковат мактаби устозлари ва Сора она болалар боғчаси мураббийлари "Жанубий Қозоғистон" вилоят газетасининг фаол обуначилари қаторида.

Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги "Номаълум аскар" ёдгорлиги майдонида Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги ва Ватан Ҳимоячилари кунига бағишланган тadbир ўтди.

1968 йили Сайрам қишлоғининг бир гуруҳ зиёлилари ташаббуси билан қад ростлаган маҳобатли ҳайкал жойлашган майдон муқаддас зиёратгоҳ сифатида хизмат қилиб келмоқда.



Қоратов тумани ҳокимининг қарорига кўра, ушбу майдон Афғон уруши фахрийларининг Сайрам даҳаси ташкилоти ихтиёрига ижарага берилди ҳамда қисқа вақт орасида "Номаълум аскар" ҳайкали реставрация қилиниб, сайрамлик УВУ иштирокчилари рўяхати ёзилган лавҳалар қайта ишланди. Бу жойда тўла таъмирлаш ишлари юритилиб, эндиликда у Сайрам даҳасининг кўркем масканларидан бирига айланди. Ушбу савобли ишни амалга оширишда баракали ҳисса қўшган

сайрамлик тadbиркорларнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

"Мўрагер" тинчлик шартномаси ҳарбий кучлари фахрийлари республика жамоат бирлашмасининг Сайрам даҳаси ташкилоти, Афғон уруши ва Тоғли Қорабоғ ҳарбий ҳаракатлари фахрийлари, нурунийлар, зиёлилар, шунингдек, турли муассасалар, Б. Содиқов, З. Ҳусанов, М. Маметова номли мактаблар вакиллари иштирок этган тadbир Шимкент шаҳридаги

6506-сонли ҳарбий қисм оркестри ижросидаги давлат мадҳияси билан бошланди. Шундан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари З. Ҳусанов ва Б. Содиқовларнинг бюсти ҳамда "Номаълум аскар" ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Тadbирда дастлаб сўз олган шаҳар маслаҳати депутати Л. Сулаймонов Улуг Ватан урушида эришилган Буюк Ғалабанинг ҳалқимиз тарихидаги аҳамиятини таъкидлаб, барчани байрам билан қутлади. Шундан сўнг, Шимкент шаҳар, "Афғон уруши фахрийлари" раисининг ўринбосари С. Мендигулов, Сайрам тумани бўйича "Тоғли Қорабоғ фахрийлари" раиси Б. Батаев, Сайрам даҳаси түбейи Х. Тўламетов, шаҳар ҳокимининг мас-



лахатчиси Р. Мулкманов, шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари А. Шомирзаев, Қоратов туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Н. Имомсидиқовлар ушбу тadbирни уюштиришда фаол иштирок этган фахрийлар ҳамда тadbиркорларга миннатдорчилик билдириб, барчани шуқули байрам билан муборакбод этдилар.

Тadbирда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этаётган "Мўрагер" ташкилоти, Тоғли Қорабоғ ва Афғон урушининг бир гуруҳ фахрийлари фахрий



ёрлиқ ва ташаккурномалар билан тақдирландилар.

Байрам тadbирини ташкил этишда Афғон ва маҳаллий уруш фахрийларининг Сайрам даҳаси бўйича ташкилоти раиси Деҳқонбой Мамарасулов, ушбу ташкилот фаоллари Ғиёсали Холиқов, Қўрғонбой Қурбонбоев, Шодмонбой Ҳасанбоев, шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари Аббос Шомирзаев, "Мўрагер" тинчлик шартномаси ҳарбий кучлари фахрийлари республика жамоат бирлашмасининг Сайрам даҳаси ташкилоти раҳбари Зокиржон Тўйиматовлар жонбозлик кўрсатишди.

Тadbир "Деҳқон ота" тамаддихонасида уюштирилган тўқтин дастурхон атрофида поёнига етди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: тadbирдан лавҳалар.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ. Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРОНБОВЕВ. Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Масъул шахслар: <i>Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ.</i> +7701-610-51-22. <i>Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ.</i> +7701-447-37-42. <i>Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ.</i> +7702-278-96-90 <i>Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА.</i> +7747-144-60-71. <i>Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА.</i> +7701-257-36-97 <i>Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА.</i> +7702-841-78-82 <i>Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ.</i> +7708-824-20-97.	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти" масъулияти чекланган биро дарлиги. «Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, редакция ва эълон берувчилар масъулдир. «Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган. «ERNUR-online» МББ босма нашрида чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимуқтов кўчаси, 22.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шохўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. +7778-618-39-05 <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i> Нашр кўрсатиши – 65446. Адади – 11300 нуска. Бўғим: 1022. Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.
--	--	--	--